Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1999 йил 24 июль, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 60 (7153)

Da`vat

Қувонч ўткинчи, Мустақиллик абадий!

Ibrat

Тошкентда «SOS – Болалар маҳалласи» қурилишига биринчи ғишт қўйилди. Шаҳар ҳокимлиги томонидан бу маҳалла учун ажратилган 5 гектар майдонда олиб борилаётган қурилиш ишларини 2000 йилнинг ноябрига қадар тугаллаш кўзда тутилган. «SOS – Киндердорф интернешнл» халқаро жамияти маблағи ҳисобига қурилаётган болалар маҳалласида 14 та 2 қаватли замонавий коттеж ва бошқа қўшимча иншоотлар қад кўтаради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилар таркибининг маошини ошириш тўғрисида

Олий таълим тизими профессор-ўқитувчилар таркибининг Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурда кўзланган мақсадларни амалга оширишда тутган ўрни, уларнинг билимдон, касб жиҳатидан яхши тайёрланган, замонавий фикрлайдиган, ўзининг шахсий фикрига эга бўлган фуқароларни — Ўзбекистон ватанпарварларини тарбиялашдаги юксак масъулиятини ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, олий ўқув юртлари ўқитувчилари меҳнатини янада рағбатлантириш мақсадида:

1. 1999 йил 1 сентябрдан олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилар таркибининг маоши меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасининг разрядларига биноан, бир разряд юқори кўтариш ҳисобига оширилиши белгилаб қўйилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Меҳнат вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишган ҳолда, 1999 йил 10 августга қадар бўлган муддатда профессор - ўқитувчилар таркибининг янги маошларини кўриб чиқсин ва тасдиқласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур Фармоннинг ижроси билан боғлиқ бўлган харажатларга бюджет маблағлари ажратилишини кўзда тутсин.

4. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Б.Ҳамидов ва Х.Кароматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 20 июль.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида

Юртимиз озодлиги ва мустақиллиги учун курашларда матонат кўрсатган, миллатни ҳурлик ва эркинликка чорлаган, мустабид тузум йилларида қатағон этилган фидойи ватандошларимизнинг мўътабар хотирасини абадийлаштириш, уларнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти, илмий-ижодий меросини чуқур ўрганиш, ёшлар қалбида метин иродали, мард аждодларимиз руҳи-покига эҳтиром, ижтимоий адолат тантанасига ишонч, истиқлол ғояларига садоқат, ватанпарварлик ва фидойилик туйғуларини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 12 майдаги Ф-999-сонли Фармойишига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш бўйича жамоатчилик комиссиясининг қатағон қурбонлари бўлган ватандошларимиз ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, хотирасини абадийлаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялари маъқуллансин.

Жамоатчилик комиссиясининг кенг халқ оммаси фикрларига асосланган таклифлари ҳисобга олиниб, Мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш бўйича республика ташкилий қўмитаси тузилсин ва унинг таркиби тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита жамоатчилик комиссияси билан биргаликда, Маданият ишлари вазирлиги, Бадиий академия, ижодий уюшмалар, нодавлат ва жамоат ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, ижтимоий фан вакилларини жалб этган ҳолда:

— Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманидаги Бўзсув қирғоғида мустамлакачилик даври қурбонлари хотира мажмуасини барпо этиш бўйича кенг жамоатчилик фикрини тўлиқ ўргансин ва танловлар асосида тайёрланган таклифларни икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

— вилоятлар, туман ва шаҳарларда мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш мақсадида ёдгорлик мажмуаларини барпо этиш ва бошқа қўшимча тадбирларни кўзда тутувчи дастурларни ишлаб чиқсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ушбу тадбирларнинг ўз ҳудудларида амалга оширилишини таъминласин.

2. Мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш бўйича жамоатчилик комиссияси ҳузурида "Шаҳидлар хотираси" хайрия жамғармасини тузиш тўғрисидаги таклиф инобатга олинсин.

"Шаҳидлар хотираси" хайрия жамғармасининг вазирликлар, давлат қўмиталари, концернлар, компаниялар, корпорациялар, банклар ва бошқа муассасалардан иборат ҳомийлар гуруҳи маъқуллансин.

Жамғарманинг таркибий тузилмаси маъқуллансин ва унинг Низоми белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилсин.

Халқаро ташкилотлар, айрим фуқаролар ва хорижий шахсларнинг хайрия улушлари учун жамғарма ҳисоби очиқ эканлиги эътиборга олинсин.

3. Қуйидагилар "Шаҳидлар хотираси" хайрия жамғармасининг асосий вазифалари этиб белгиланиши маълумот учун қабул қилинсин:

— Мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш бўйича жамоатчилик комиссияси ишини ташкил этиш ва комиссия зиммасига юкланган вазифаларнинг бажарилишига ёрдам бериш;

— қатағон этилган фидойи ватандошларимизни номма-ном аниқлаш мақсадида жамоатчилик комиссияси томонидан мамлакатимиз ҳудудларида тузиладиган илмий-ишчи гуруҳлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш;

— шаҳид бўлган юртдошларимиз номини абадий сақлаш ва келгуси авлодларга етказиш мақсадида кўп жилдлик "Қатағон қурбонлари" хотира китобини яратиш ва нашр этишга кўмаклашиш;

— хориждаги турли архив, музей, кутубхона ва бошқа илмий-маърифий муассасалар, мутахассислар билан алоқалар ўрнатиш, ҳамкорлик қилиш ҳамда ватандошларимиз ҳаёти, фаолиятига оид чет эллардаги мавжуд манбаларни излаб топиш ва ўрганиш мақсадида илмий экспедициялар ташкил этиш;

— қонунда белгиланган тартибда ишлаб чиқариш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги "Шаҳидлар хотираси" хайрия жамғармаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун Вазирлар Маҳкамасининг заҳира жамғармасидан 20 миллион сўм ажратсин.

"Шаҳидлар хотираси" хайрия жамғармаси ва унинг тасарруфига кирувчи бўлинмалар, корхоналар барча турдаги давлат солиқларидан, божхона тўлови ҳамда давлат бюджетига ўтказиладиган бошқа тўловлардан беш йил муддатга озод этилсин.

Ҳомийларнинг даромаддан тўлайдиган солиқ бўйича базаси уларнинг жамғармага ўтказадиган пул маблағлари миқдорига моманд қисқартирилиши белгилаб қўйилсин.

5. Тошкент шаҳар ҳокимлиги бир ой муддатда "Шаҳидлар хотираси" хайрия жамғармасини Тошкент шаҳар Навоий кўчасидаги 69-уй (Ўзбекистон Фанлар академиясининг собиқ Қўлёзмалар институти биноси)га жойлаштирсин.

6. Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлигига "Шаҳидлар хотираси" хайрия жамғармаси бошқарувини шаҳар ва ҳукумат телефон алоқаси билан таъминлаш топширилсин.

7. "Шаҳидлар хотираси" хайрия жамғармаси "Адолат" ва "Маънавият" нашриётларида "Истиқлол фидойилари" туркумида мустамлакачилик даври қурбонларининг илмий-ижодий мероси, улар ҳақидаги тадқиқотлар, Ватанимиз озодлиги йўлида жон фидо қилган инсонларнинг ибратли ҳаётидан ҳикоя қилувчи хотиралар, ёдномалар, шунингдек, тарғибий-ташвиқий адабиётлар ва кўргазмали воситаларни мунтазам чоп этишни йўлга қўйсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати, республика Прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Фанлар академияси, Президент девони архиви ва Бош архив бошқармаси Мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш жамоатчилик комиссияси ҳамда "Шаҳидлар хотираси" хайрия жамғармаси сўровларига биноан, зарур архив ҳужжатларидан фойдаланиш учун тегишли шароитлар яратсин.

9. Ўзтелерадиокомпаниясига "Унутмас мени Ватан" номли махсус ижодий гуруҳ ташкил этиб, мустамлакачилик даври қурбонларининг хотирасини абадийлаштиришга оид амалга оширилаётган ишларни мунтазам ёритиб бориш топширилсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Х.Кароматов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 22 июль.

АФҒОНИСТОНДАГИ ЗИДДИЯТНИ ТИНЧ ЙЎЛ БИЛАН ҲАЛ ЭТИШНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ТОШКЕНТ ДЕКЛАРАЦИЯСИ

Афғонистон билан чегарадош "Олти қўшув Икки" гуруҳи мамлакатлари: Хитой Халқ Республикаси, Эрон Ислом Республикаси, Покистон Ислом Республикаси, Тожикистон Республикаси, Туркманистон ва Ўзбекистон Республикаси, шунингдек, Россия Федерацияси ва Америка Қўшма Штатлари ташқи ишлар вазирларининг ўринбосарлари шу йил 19-20 июль кунлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг Афғонистон бўйича Махсус вакили жаноб Лахдар Брахими иштирокида Афғонистондаги вазиятни кўриб чиқиб, афғон халқининг ҳақиқий дўстлари сифатида, Афғонистонга тинчлик ва равнақ тилаган ҳолда қуйидаги тамойилларни тасдиқлади.

Биз ҳукуматларимизнинг Афғонистонда давом этаётган ҳамда минтақавий ва халқаро тинчлик ва хавфсизликка жиддий хавф туғдираётган ҳарбий қарама-қаршиликлардан ниҳоятда ташвишда эканини изҳор этамиз.

Биз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси ва Хавфсизлик Кенгашининг резолюция ва қарорларидаги қоидаларга мос равишда Афғонистондаги зиддиятни тинч ва сиёсий йўл билан ҳал этиш тарафдоримиз ва биз, шунингдек, илгари "Олти қўшув Икки" мамлакатлари қабул қилган қарорлардаги "муҳокама учун бандлар" ҳамда "якдилликка эришилган масалалар" тўғрисида эслатиб ўтамиз.

Биз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти жаҳонда эътироф этилган воситачи ташкилот сифатида Афғонистондаги зиддиятни тинч йўл билан ҳал этишга эришиш бўйича амалга оширилаётган халқаро саъй-ҳаракатларда марказий ва холис ўрин тутиши лозим, деб ҳисоблаймиз ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг Афғонистон бўйича Махсус вакили ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Махсус миссиясининг фаолиятини тўла қўллаб-қувватлашимизни яна бир бор тасдиқлаймиз.

Биз Афғонистоннинг суверенитети, мустақиллиги, ҳудудий яхлитлиги ҳамда миллий якдиллигини тўла қўллаб-қувватлашимизни яна бир бор тасдиқлаймиз.

Биз Афғонистонда юз бераётган инсон ҳуқуқларининг, жумладан, этник кам сонли аҳоли, аёллар ва қизлар ҳуқуқининг поймол қилиниши, шунингдек, халқаро гуманитар ҳуқуқ меъёрларининг бузилишидан чуқур ташвишга тушаётганимизни баён қиламиз.

Биз минтақа учунгина эмас, унинг ташқарисида ҳам салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган наркотик моддаларни етиштириш, ишлаб чиқариш ва уларнинг ғайриқонуний айланиши, ғайриқонуний қурол савдоси авж олаётганидан чуқур ташвишдамиз.

Биз, шунингдек, Афғонистон ҳудуди, айниқса, "Толибон" ҳаракати назорат қилиб турган ҳудудлар, террорчиларни яшириш ва уларни ўқитиш учун фойдаланилаётгани ва бунинг оқибати Афғонистон ва у билан кўшни мамлакатлар, ҳатто чегарадош давлатлардан узоқдаги мамлакатлар учун ҳам катта хавф-хатар туғдираётганидан ташвишдамиз.

Юқорида баён этилган фикрлардан келиб чиқиб, биз қуйидаги хулосага келдик:

1. Афғонистондаги зиддиятни ҳарбий йўл билан ҳал қилиш мумкин эмаслиги ва у кўп элатлик ҳамда барча томонлар вакилларидан иборат ҳукумат тузиш мақсадида тинч сиёсий музокаралар йўли орқалигина мувофиқлаштирилиши мумкин.

2. Бинобарин, биз Афғонистондаги томонларни мана шу мақсадларга эришишга қаратилган сиёсий музокараларни қайтадан бошлашга даъват қиламиз.

3. Биз душманларча хаттиҳаракатларни тўхтатишга эришишга кўмаклашиш мақсади ўзимиз учун муҳим деб ҳисоблаймиз ва Афғонистондаги бирон-бир томонни ҳарбий жиҳатдан қўллаб-қувватламаслик ҳамда ўз ҳудудларимиздан бу мақсадларда фойдаланишнинг олдини олиш ҳақида келишиб олдик. Биз халқаро ҳамжамиятни Афғонистонга қурол етказиб беришнинг олдини олиш учун мана шундай саъй-ҳаракатларга даъват қиламиз.

4. Биз Афғонистон томонлари ўртасида бевосита музокаралар бошланишига кўмаклашишга тайёрлигимизни билдирамиз. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафеълигида, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси ва Хавфсизлик Кенгашининг тегишли резолюция ва қарорлари ҳамда мазкур Декларацияга биноан ўтказиладиган бу музокаралардан мақсад юқорида кўрсатиб ўтилган 1-банд ижроси бўйича афғонлараро битимга эришишдир. Биз "Олти қўшув Икки" гуруҳи аъзолари сифатида бу жараённи алоҳида-алоҳида ҳамда биргаликда қўллаб-қувватлашга тайёрмиз.

(Давоми 3-бетда)

Munosabat

ИЖОДКОРЛИККА УНДОВЧИ ЭЪТИБОР

Зиёли ақлий меҳнат вакилидир. У ҳар дам ақл билан ишлайди, ўқиб-ўрганади, янгилик яратади, ўз билимини ўзгаларга улашади. Демак, зиёлилар жамиятнинг энг илғор қатламидир.

Матбуотда Президентимизнинг янги Фармонини ўқиб чиқдиму кўнглим тоғдек кўтарилди. «Олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилар таркибининг маошини ошириш тўғрисида»ги бу Фармон зиёлиларнинг моддий аҳволини яхшилашга қаратилгани билан жуда аҳамиятлидир. Хушхабардан чексиз мамнунлик туйдик.

Университетимиз ўқитувчилар таркибида 400 нафар киши меҳнат қилади. Уларнинг барчаси илм-фан тараққиёти учун ўз қалб кўрини, умрини бахшида этган инсонлардир. Аминманки, бу хушхабар уларнинг кўнгилларига илиқ туйғулар солади.

Айтишим мумкинки, Президентимизнинг олий таълим муассасалари ўқитувчиларига нисбатан кўрсатаётган бу эътибори бизни яна ҳам юксак унум билан ишлашга, ижод қилишга, янги-янги кашфиётлар яратишга ундайди. Зеро, баркамол авлодни вояга етказишдан кўра аҳамиятлироқ иш бўлмаса керак.

Бакир ЗАРИПОВ,
биология фанлари доктори, профессор

Abiturient – 99

БЎЛАЖАК ЖАҲОНГАШТА ЖУРНАЛИСТЛАР ИЖОД ҚИЛИШДИ

РЕПОРТАЖ

Пайшанба куни эрта тонгдан Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети ҳовлиси гавжум бўлди. Йиғилган абитуриентлар орасида янги ташкил этилган халқаро журналистика факультетининг бўлажак талабалари бор. Улар бугун ижодий иншо ёзадилар.

Журналистни жамият кўзгуси, дейдилар. Бу кўзгу аксимизни нақадар тоза ва тиниқ кўрсатса, ҳаётимиз шу қадар яхшиланади, юрт тараққий топади. Демак, жонли кўзгунинг рисоладагидек тайёрланиши ҳаммамиз учун фойдали.

Шу боис, журналистларни тайёрлаш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори чиқди. Журналистикага ўқитишдан аввал ёзишга, фикрлашга лаёқати бор ёшларни танлаш лозим бўлади. Шу боис, бу йилдан бошлаб қабул тизимига янгилик киритилди. Журналистика факультетига кириб ўқишни мақсад қилган абитуриентлар тестдан аввал ижодий имтиҳонларни топширадиган бўлишди. Ижодий иншо ижодий имтиҳоннинг биринчи босқичи ҳисобланади.

... Абитуриентлар етти ўқув хонасида жойлашдилар. Ижодий имтиҳон ўтказиш комиссиясининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Нарзулла Жўраев ўқув хоналарига кириб, мавзулар ёзилган конвертларни очишдан аввал, бугун Ўзбекистонга мустақил, озод, ўз фикрига эга бўлган журналистлар кераклигини таъкидлади. Айтиш жоизки, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси бу ишга бош-қош бўлиши журналист кадрлар тайёрлаш Юртбошимизнинг доимий эътиборида эканлигидан далолатдир.

Кейин абитуриентлардан бири чиқиб, конвертлардан биттасини танлаб очди ва мавзуларни ўқиб эшиттирди. Кўнгилга якин мавзулар бўлганлиги учун кўпчилик абитуриентлар қарсак чалиб юборишди. Ҳаяжон ўрнини кўтаринки руҳ эгаллади. Журналистга бундан яхши муҳит яратиш қийин. Шу жараён етти хонада такрорланди. Имтиҳон комиссияси раисига университет ректори Жамолиддин Бўронов, халқаро журналистика факультети декани Гуландом Боқиева ҳамроҳлик қилишди.

Ижодий ишни ёзиш бошланди. Олдинда тўрт соат фурсат...

Бироқ кўпчилик бу фурсатга етмай ишонч билан ижодлари битилган махсус дафтарларни топшира бошлашди. Дафтарлар котибиятда йиғилди ва комиссия аъзолари ўша жойда уюштирилган тушликка чиқишди. Ёзма иш муаллифининг номини сир сақлаш мақсадида дафталар устига қўйилган титул варақлари ва дафтарлар шифрланди. Титул варақлари котибият темир сандиғига, дафтарлар эса ижодий имтиҳон комиссияси аъзолари – таниқли журналистлар ва тажрибали филологларга баҳолаш учун берилди. Бундай комиссия ижодий ишларни холисона баҳолайди, деган ишонч билан университетни тарк этдик.

Бугун ижодий имтиҳоннинг иккинчи босқичи ўтказилади. Унда абитуриентларнинг оммавий ахборот воситаларида чоп этилган, эфирга узатилган журналистик материаллари чуқур ўрганилади ва уларга тақриз ёзилади. Шунингдек мақолалар мавзуси доирасида абитуриент билан суҳбат ўтказилади ва баҳоланади.

Дарвоқе, ижодий имтиҳоннинг биринчи босқичи, яъни ёзма ишда абитуриент 78,1 баллгача, иккинчи босқичда эса 33,5 (жами 111,6) баллгача олиши мумкин. Тест маркази раҳбариятининг айтишича, бу баллар тест балларига қўшилади.

«МАЪРИФАТ» КУЗАТУВЧИСИ

Mulohaza, taklif

БОЛАНИНГ ФИКРИ ҚАНДАЙ?

Ҳар бир инсон мустақил фикрга эга, дунёқараши кенг бўлиши керак. Чунки мустақил фикрга эга бўлмаган инсон учун бундан кейин жамиятда яшаш осон кечмайди. Тўғрисини айтиш керакки, ёшларимизнинг кўпчилиги ўзининг мустақил фикрига эга эмас. Сабаби, мактабларимизнинг ҳаммасида ҳам ўқитувчилар ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатмайдилар. «Ўзингдан катталар билан олишма, гап қайтарма. Каттами, демак гапи тўғри» деб боланинг ўз фикрини билдиришга йўл қўймайдилар. Шунда боланинг шахсий фикрлари ичида қолиб, мустақил фикрлаш қобилияти ўзидан ўзи йўқолиб кетади. Ёки фикрлай олса ҳам кўпчилик олдида гапиришга ийманади. Бизда шундай одат борки, хато гапириб қўйсанг, устингдан кулишади. Бола хато гапирса кулиш ўрнига уни тўғри фикрлашга ўргатиш маданиятлилик белгиси эмасми? Масалан чет элларда бирор бир иш қилишдан олдин оила аъзоларининг барчасидан маслаҳат сўраб, ҳамма-сининг фикрини эшитиб чиқишларини, ҳаттоки ёш болаларнинг ҳам фикри четда қолмаслигини китобларда ўқиганман, киноларда кўрганман. Бизнинг айрим оилаларда эса ёш болалардан фикр сўрамайдилар. Болаларнинг фикрини ривожлантириш учун уларни иложи борича кўпроқ китоб ўқишга, гапиришга ундасалар, қолаверса, мажбурласалар яхши бўлади.

Чарос ТОШПЎЛАТОВА,
абитуриент

Istiqlol ehtiyoji

УЙҒОНАЁТГАН ТАФАККУР

Куни кеча Республика Таълим марказида бўлиб ўтган семинар - баҳсда ўртага ташланган мавзу мазмун-моҳияти жиҳатидан сарлавҳамиздаги жумла эътирофига туртки бўлди. «Ўзбек миллий характери, ундаги сифатлар ва маънавият» мазуида кечган қизғин баҳс-мунозараларда, айтиш мумкинки, энг сара илмий - назарий мулоҳазалар ва фикрлар ўртоқлашилди. Шу ўринда табиий савол туғилади: Хўш, ўзбек характери деганда нимани тушунамиз? Нега кеча ёки эртага эмас, айнан бугун бу ҳақда сўз айтаяпмиз?

Маълумки, ҳар қандай жамият ҳам ўз тараққиёти давомида бир неча бор мустаҳкам бирлашишга, жипслашишга эҳтиёж сезади. Бундай эҳтиёж жамият ҳаётида кечаётган жараёнлар, воқеа - ҳодисалар, уларнинг сабаб ва оқибатлари тўфонида намоён бўлади. Ва шубҳасиз, ана шу эҳтиёжни энг биринчи илғаб, уни қондириш йўлларини излаб топиш ҳамиша зиёлилар, олиму мутахассислар зиммасида бўлиб келган. Бугун ҳам ижтимоий ҳаётда айнан шуни кузатиш мумкин. Дунё ҳамжамияти кўз ўнгида ЎЗБЕКИСТОНни, ЎЗБЕК ХАЛҚИни намоён қилувчи бирламчи омил МИЛЛИЙ ХАРАКТЕР. Ўзбек характери халқнинг, ҳокимиятнинг ўз ҳаётида ва атрофида, қолаверса, бутун дунёда кечаётган иқтисодий, ижтимоий-сиёсий жараёнларга муносабатида ўз аксини топади. Яхшиси, бу борада баҳс-мунозараларда билдирилган айрим фикрлар билан ўртоқлашсак.

Гайрат ШОУМАРОВ,
психология фанлари доктори, профессор: — Ўзбек миллий характерининг икки илдизи мавжуд: биологик ҳамда ижтимоий. Мамлакатимизда 100 дан зиёд миллат ва элатлар яшаётган ва ҳар бири ўзига хос характерга эга бўлган бир шароитда ЎЗБЕК ХАРАКТЕРИни шакллантириш, унинг халқ фаровонлигига хизмат қиладиган қирраларини асраш, салбий нуқталари таъсир даражасини камайтириш долзарб масала. Бу борада собиқ тузум даврида ўрганилмаган соҳа — этнопсихология йўналишида чуқур, илмий тадқиқотларга кенг йўл очиш тақозо этилади.

Иброҳим ҒАФУРОВ,
«Миллий тикланиш» газетаси бош муҳаррири: — Характер ўзига хос хусусиятларнинг умумий ифодасини англатади. ЎЗБЕК ХАРАКТЕРИ ҳақида ҳозирги кунга қадар ҳам сўз юритилган. Матбуотда фикрлар билдирилган. У бир неча минг йиллардан бери шаклланиб келмоқда ва замону макон чексизлигида янада сайқал топиб бораверади. Шу билан бирга, ҳар қандай характер замона, ғоя ва интилишлар билан чамбарчас боғлиқ ҳамда ўзаро таъсирга эга. Яна шу нарса маълумки, у ҳеч қачон тўлалигича маҳв этилмайди. Чунки у инсон қалбида яшайди, унинг онгу тафаккурида шаклланади.

Юқоридаги фикрлар тадбирда иштирок этган бир неча ўнлаб етук инсонлар — психология, педагогика, ҳуқуқшунослик, фалсафа ва тарих фанлари докторлари, профессорларнинг давомли баҳсларидан қисқагина мужда эди.

Мавзу юзасидан хулоса ясашга эса ҳали эрта. Анжуманда иштирок этган ОАВ ходимлари қаторида туриб МИЛЛАТ, ВАТАН деганда ёна оладиган «Маърифат» муштарийларини ҳам баҳс даврасига даъват қилишни кўнглимга тугиб қўйгандим.

Фахриддин КАРИМОВ

JUMLADA JAHON

• 20 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Афғонистон бўйича «6+2» гуруҳи Тошкент учрашуви қатнашчиси — БМТ Бош котибининг Афғонистон бўйича махсус вакили Лахдар Брахимини қабул қилди.

• Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Афғонистон бўйича «6+2» гуруҳи Тошкент учрашуви иштирокчиси — АҚШ делегацияси раҳбари, АҚШ Давлат котибининг ўринбосари Карл Индерфурсни қабул қилди.

• 21 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Дўрмон қароргоҳида Афғонистондаги Бирлашган фронт раҳбари Аҳмад Шоҳ Масъудни қабул қилди.

• Тошкентда қатор вазирликлар ва идоралар, муассасалар, давлат ва жамоат ташкилотлари, ижодий уюшмаларнинг вакиллари, дин пешволари, дипломатик корпус ва элчихоналарнинг ходимлари иштирокида Имом ал-Бухорий халқаро жамғармасининг расмий тақдимот маросими бўлиб ўтди.

• Ставрополь ўлкасининг Чеченистон билан туташ маъмурий чегарасида номаълум кишиларнинг тўсатдан бошлаган ҳужуми натижасида олти киши ҳалок бўлди, оқибатда навбатдаги келишмовчилик содир бўлди.

• Токиода юз берган кучли сув тошқинлари Япония пойтахтида транспорт ҳаракатларининг тўхтаб қолишига сабаб бўлди.

• Югославиянинг Косово вилояти йўлларидан бирида ҳалокат туфайли икки америкалик аскар ҳалок бўлди.

• Индонезиянинг 78 ёшли собиқ президенти Сухарто касалхонага ётқизилди — собиқ президент, маълумотларга қараганда, инсульт ёки юрак хуружини бошидан кечирган.

AVGUST KENGASHLARIGA

ИШ ЮРИТИШ ТАРТИБИНИ БИЛАСИЗМИ?

Мактаб кутубхонасининг китоб жамғармасини ташкил этиш

Таълим ва тарбияга бугун қўйилаётган талаб ва вазифалар, болалар ва ўсмирларнинг ўқув ва синфдан ташқари машғулотлари учун зарур китобларга бўлган эҳтиёжини қондиришга қодир мактаб кутубхонаси китоб жамғармаси бўлишини тақозо этади. Бунинг учун мактаб кутубхонаси жамғармаси ҳар жиҳатдан илмий-услубий, бадиий, ижтимоий-сиёсий адабиётлар билан тўлдирилган бўлиши керак. Бу мутасаддиларнинг асосий вазифаларидан бири.

Республика илмий-педагогика кутубхонаси кутубхоначиларга ёрдам тариқасида мактаб кутубхоналари китоб жамғармаларини ташкил этишни яхшилаш, унинг бутлигини таъминлаш, текшириш, ҳужжатларни сақлаш бўйича методик тавсияларни ҳавола этмоқда.

КУТУБХОНА КИТОБ ЖАМҒАРМАСИНИНГ БУТЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Кутубхона китоб жамғармасининг бутлиги ўз ичига уни сақлашни таъминловчи қулай усулларни, адабиётларнинг ярокcиз ҳолга келиши ва йўқолишига қарши чора-тадбирлар мажмуини олади. 1994 йилнинг 22 июлида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасдиқлаган 9/5 рақамли қарори «Умумтаълим мактабининг кутубхонаси ҳақида»ги Низомга биноан мактаб директори кутубхонага китоб жамғармаси ҳисобини юритиш ва сақланишини тўғри ташкил этиш учун зарур шароитлар яратиши, санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган, китоб сақлашга мослашган алоҳида бино ажратиб бериши, кутубхонани махсус ускуна, мослама ва жиҳозлар билан таъминлаши лозим.

Китобларнинг муддатидан олдин ярокcиз ҳолга келиши, йўқолишининг олдини олиш учун мактаб кутубхонасида кўрсатилган асосий қоидаларга қатъиян риоя этиш шарт. Юқорида таъкидланган ҳужжатга кўра мактаб кутубхонаси китоб жамғармасининг тўла ва бут сақланишига мактаб директори, кутубхона мудири ва китоб жамғармасига дахлдор барча кутубхона ходимлари жавобгардирлар.

Китоб жамғармаси бутлиги, жамлаш ва кутубхоначилик ишлари қоидаси ва талаби асосида ишлов бериш жараёнида рўйхатга олиш бўйича махсус йўриқномаларга кўра амалга оширилади. Рўйхатга олиш тизимига илова ҳужжатлари (ҳисоб варақаси, юк хати, чек нусхаси, далолатнома, патта ва ҳакозо) асосида ҳисобга олиш ва якка ҳисобга олиш шаклидаги (баҳо ҳисоб-китоби, йўқлама дафтари) ҳужжатлар тегишли бўлади.

Китоблар кутубхона иши асосида, махсус йўриқларга биноан қайта ишлангандан сўнг кутубхона жамғармасига киритилади. Жамғармани жойлаштирув тартиби уни сақлаш талабларига мувофиқ бўлиши лозим. Кутубхона жамғармасининг жойлашув тартиби, сақланиш ҳолати устидан доимий назорат ўрнатилади. Кутубхона биноси ёруғ, қуруқ, ҳар куни шамоллатиб турилиши ҳамда ўт ўчириш жиҳозлари билан таъминланган бўлиши шарт.

Кутубхонанинг китоб жамғармаси жойлашган қисмига бегоналарнинг кириши қатъиян маън этилади. Китоб жамғармасининг эркин фойдаланилувчи қисмига китобхонлар фақат нашрлар ва адабиётлар бериладиган пайтда кутубхоначи ҳамроҳлигида киритилади. Кутубхонада нашр ва адабиётларни олиб чиқилиши устидан мувофиқ назорат ўрнатилиши лозим.

Кутубхона ишловидан ўтмаган китоблар, бир нусхада бўлган луғатлар, қомуслар ва турли хил маълумот ва ахборот берувчи кам нусхали ноёб адабиётлар ҳамда нашрларни уйга бериш, қироатхонадан олиб чиқиш маън этилади. Кутубхоналар доимий равишда мавжуд жамғармасини таъмирлаб, фойдаланишга ярокли ҳолатда сақлаб туришлари ва бу ишга китобхонларни ҳам жалб этишлари лозим.

Мактаб китобхонлари кутубхона жамғармасидаги китобларни ёки бошқа нашрларни йўқотган, зарар келтирган ҳолларда уларнинг ўрнига кутубхона томонидан белгиланган нархи ва мазмуни тўғри келадиган китоб ёки бошқа нашрларни топширишлари мумкин. Вояга етмаган китобхонлар томонидан йўқотилган ёки ярокcиз ҳолга келтирилган китоб учун уларнинг ота-оналари, оила бошлиқлари масъул ҳисобланади. Кутубхона ходимлари эса жамғарма ҳисобини юритиш, ундан фойдаланиш қоидаларига риоя қилишга ва қоидани бузган ҳолларда жавоб беришга масъулдирлар.

Кутубхона ходимлари китобларнинг сақланиши учун масъул ҳамда қоида бузилишига моддий жавобгар ҳисобланади. Кутубхона ходимлари етказилган моддий зарарни иш ҳақи ҳисобидан қоплайдилар. Кутубхона ходимларининг моддий жавобгарлик ҳажми ўртача бир ойлик иш ҳақи миқдоридан ошмаслиги даркор.

Кутубхона ходимлари жиноий жазога лойиқ ҳаракатлари аниқланганда (ўғирлик, ўзлаштириш, нашрларни қонунга хилоф равишда рўйхатдан чиқариш, хизмат вазифаларини суистеъмол қилиш) содир этганда тўла моддий жавобгарликка тортиладилар. Кутубхона жамғармасини янги ходимга расмийлаштирмасдан топширишга йўл қўйилмайди ва бу ҳолларда моддий жавобгарлик мактаб директори зиммасига юклатилади.

ЖАМҒАРМА ТЕКШИРУВИ

Кутубхона жамғармаси текшируви кутубхонада мавжуд адабиётларни жамғарма ҳисоб ҳужжатлари билан солиштириш орқали амалга оширилади. Кутубхона жамғармаси текшируви туман (шаҳар) халқ таълими бўлими белгиланган муддатларда 5—7 йил ичида камида бир марта ўтказилади. Маълум муддатларда кутубхона томонидан қимматбаҳо нашрларнинг айрим текшируви ўтказилади.

Жамғарма текшируви кутубхона мудири (кутубхоначи) ўзгарганда ёки жамғарманинг маълум қисми бир ходимдан иккинчисига ўтказилганда (бир ставкадан ортиқ кутубхоначиси бўлган кутубхоналарда) амалга оширилиши шарт. Жамғарма текшируви фавқулодда ҳолатлар (сув тошқини, ёнғин ва бошқалар)да ҳам ўтказилади. Текширув фавқулодда ҳолатлар ёки жамғармага масъул кишилар алмашиши муносабати билан ўтказилганда, мазкур текширув режадаги, шу билан бирга, навбатдаги текширув ҳисобига ўтади.

Жамғарма текшируви мактабда жамғармани текшириш ҳақида буйруқ чиқарилгач, кутубхона мудири (кутубхоначи) мактаб маъмурияти, жамоат ташкилоти, кутубхона кенгаши, ҳисобчилар вакилларидан иборат комиссия тайинлангандан сўнг бошланади. Буйруқда текширув ўтказиш муддати кўрсатилади ва текширув кутубхонанинг иш вақтида амалга оширилади.

Текширув муддати мактаб қайси ташкилотга қараса ўша ташкилот ҳисобчиси томонидан назорат қилинади.

Жамғарма текшируви қуйидаги усулларда амалга оширилади:

— 10 минг нусхагача бўлган жамғармалар нашрларни ҳисоб юритиш китобига қайд қилинган рўйхатига солиштириш йўли билан;

— 10 минг нусхадан ортиқ бўлган жамғармалар назорат талонлари орқали амалга оширилади. Текширув жараёни китобхонларга берилган адабиётнинг китоб формулярлари асосида бошланади. Китоб формулярларига текширув ўтказилган сана қўйилади. Китобнинг китобхон томонидан қайтарилиши ҳақидаги ушбу сана ўчирилиб, қайд дафтарига ёзилади. Айни вақтда рўйхатга олиш китобининг «Назоратни қайд қилиш» бўлимига ҳам шартли белгилар билан текширилганлик қайд этилади. Назорат талонлари ёрдамида ўтказишда берилаётган китобга китоб формуляри асосида талон ёзилади.

Рўйхатга олиш китобига кўра текширув икки ходим томонидан амалга оширилади: бири китобни жойидан олиб, инвентар рақамини айтади ва текширув санасини белгилайди, иккинчиси рўйхатга олиш дафтаридан айтилган рақамни топиб, китоб муаллифи, сарлавҳаси, баҳоси, лозим бўлса бошқа маълумотларни китобдагиси билан солиштириб текширув белгисини кўяди.

Назорат талонлари рўйхатга олиш китобига асосан ёзилади ва каталог карточкаларида ўз ифодасини топган бўлади. Уларда китоб цифр рақами, муаллиф исми-шарифининг бош ҳарфлари, фамилияси, сарлавҳанинг биринчи икки-уч сўзи, инвентар рақами, баҳоси қайд этилади. Назорат талонлари жамғарма бўлимлари бўйича тузилганлиги учун бир вақтнинг ўзида барча бўлимларда текширув ўтказиш имконини беради. Бир назоратчи китобни олиб, назорат санасини белгиласа, иккинчиси назорат талонидаги маълумотларни олинган китоб титул вараги билан солиштиради.

Назорат талонига кўра солиштириб бўлинган китоблар инвентар рақамлари бўйича жойлаштирилиб рўйхатга олиш китоби билан солиштирилади ва «Рўйхатга олиш китоби»нинг «Назоратни қайд этиш» бўлимида шартли белги билан белгиланади.

Киши бошига текширув ишининг тахминий меъёри қуйидагича: 8 соатлик иш кунида 840 та текширув талони ёзиш; 2200 инвентар рақамига кўра назорат талони жамлаш, уларни рўйхатга олиш китоби билан солиштириш – 1920 тани ташкил этиши керак. Бир киши томонидан 1000 нусхани текширишга жами 24—26 соат вақт кетади.

Текширув ўтказиш жараёнида қоида бўйича кутубхонада китоб берилмайди, бироқ қабул қилинади. Китобхонлардан қабул қилинган нашрлар алоҳида жойга тўпланади ва бутун китоб жамғармаси текшируви якунлангандан кейин текширилади.

Текширув вақтида айрим англашилмовчиликлар – инвентар рақами йўқ китоблар, бир инвентар рақами билан рақамланган бир неча нашр ва ҳоказолар вужудга келиши мумкин. Бундай назорат талонлари китоблар билан биргаликда алоҳида жойга қўйилади ва текширув тугагандан сўнг ҳал қилинади.

Текширув тугагач, бутун комиссия аъзолари имзоси қўйиладиган далолатнома тузилади ва у мактаб директори томонидан тасдиқланади. Далолатноманинг бир нусхаси кутубхонада қолдирилади, бир нусхаси туман (шаҳар) халқ таълими бўлимининг ҳисобхонасига юборилади.

ҲУЖЖАТЛАРНИ САҚЛАШ

Ҳисоб ҳамда рўйхатга олиш китоби доимий сақланиши лозим. Кутубхона кундалиги уч йил сақланади. Ўқувчиларнинг китобхонлик формулярлари мактабни битиргунларича сақланади. Нашрлар, маълумот-ахборот материалларини ҳисобдан чиқарганлик ҳақидаги далолатнома ҳамда унга илова қилинган рўйхатлар 10 йилдан кам сақланмайди. Бунинг бир нусхаси кутубхонада, яна бири туман (шаҳар) халқ таълими бўлими ҳисобхонасида бўлиши лозим. Ҳисоб-китоб билан боғлиқ махсус ҳужжатлар (ҳисоб дафтари, юк хати, далолатнома) туман (шаҳар) халқ таълими ҳисобхонасига топширилади.

Сақлаш муддати ўтган ҳужжатлар директор тасдиқлаган далолатномасига асосан йўқ қилинади.

КУТУБХОНАЧИГА ЁРДАМ

1999-2000 ўқув йилида тарихий ва муҳим саналарга бағишлаб ўтказиладиган китоб кўргазмалари ва оммавий тадбирларнинг тахминий мавзулари

1. Раҳбарнинг Ўзбекистон ёрқин келажаги йўлидаги кучли иродаси, собит матонати (Ўзбекистон Ребеспубликаси Президенти Ислом Каримовнинг туғилган кунига).

2. Унинг руҳи қудратли ва мангудир (Амир Темурнинг туғилган кунига).

3. Ўзбекистон маънавий тикланиш йўлида (Ўзб.Респ. Мустақиллик кунига)

4. Биз танлаган йўл - Қонун устуворлиги (Ўзб.Респ. Конституцияси кунига).

5. Юксак маънавият — кучли фуқаролик жамияти асоси.

6. Наврўз — тинчлик, меҳр ва яратувчилик байрами.

7. Аёл — муҳаббат, меҳр ва шафқат тимсоли (Аёллар йили муносабати билан).

8. Маънавият - барча бойликлардан устун («Алпомиш» достонининг 1000 йиллигига).

9. Халқ қаҳрамони (Ж.Мангубердининг 800 йиллигига).

10. Шарқ шоири ва мутафаккири (Жомийнинг 585 йиллигига).

11. Мумтоз мерос ҳамиша замонавий (Муҳаммад Ризо Эрниёзбек — Огаҳий таваллудининг 190 йиллигига).

12. Атоқли ўзбек демократ шоири (Муқимий таваллудининг 150 йиллигига).

13. Халқ хотираси боқийдир (Хотира ва қадрлаш кунига).

14. Эзгулик ва келажак бунёдкорлари (Ўқитувчилар ва тарбиячилар кунига).

15. Олим, педагог, тарбиячи (С.Р.Ражабовнинг 90 йиллигига).

16. Бир умр фан хизматида (А.З.Зуннуновнинг 85 йиллигига).

17. Учинчи минг йиллик бўсағасида (Жаҳон таълим тизими ҳақидаги янги адабиётлар кўргазмаси).

18. Бошланғич касбий таълимнинг устувор йўналишлари.

19. Билимларни назорат қилиш тизими мустақил ишнинг шакли сифатида.

20. Ҳозирги шароитда политехник таълимнинг предметлараро хусусияти.

21. Ўқитувчи, технология ва мактабда касбга йўналтириш ишлари.

22. Ўқувчи ёшларни маънавий тарбиялашнинг истиқболли йўналишлари.

23. Миллий маданият ютуқлари тарбия жараёнида.

24. Гўзаллик ҳамиша боқий (мактаб, гимназия, лицейнинг ўқув-тарбиявий жараёнидаги бадиий-эстетик йўналиш).

25. Қўшимча таълимда ўқитиш натижаларининг эстетик қиймати.

26. Бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний камолоти ва руҳий соғломлиги.

27. Ўлкамиз узра янграр қўнғироқ. Ассалом, мактаб! (Ўқув йилининг бошланишига).

28. Биринчи дарс — Мустақиллик дарси.

29. Биринчи қўнғироқ, мактаб ҳаёти, билим ва маънавият оламига биринчи қадам.

30. Мактаб — маънавият ва маърифат ўчоғи.

31. Замонавий ўқитиш жараёнида мактаб ахборот тизимининг ўрни.

32. Умумтаълим мактабларининг таълим-тарбия жараёнида миллий маънавият манбалари.

33. Умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари билан дидактик ўйинлар ва мусобақалар.

34. Синф жамоасини шакллантирувчи педагогик усуллар.

35. Болаларни иқтидорига кўра ўқитиш самарадорлигининг психологик хусусиятлари.

36. Ўқувчиларнинг экологик таълим ва тарбиясида узлуксиз ёндошувдан фойдаланиш.

37. Юқори синф ўқувчиларининг математик тайёргарлигидан стандарт вазифаларини ҳал этиш.

38. Ҳар бир сўзда қуёш жилмаяди (Ойбек таваллудининг 95 йиллигига).

39. Халққа хизмат қилиш қувончи (Н.Сафаров таваллудининг 95 йиллигига).

40. Жангчи ва замондошлигича қолади (Н.Ғаниев таваллудининг 95 йиллигига).

41. Ватан чироғи (Ўзбекистон халқ шоири Миртемир (Турсунов) таваллудининг 90 йиллигига).

42. Ёрқин истеъдод (Ҳ.Олимжон таваллудининг 90 йиллигига).

43. Сенга, Она юрт, юракдан чиққан шеърлар оҳанги. (Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия Исроилова таваллудининг 85 йиллигига).

Sizning fikringiz

МАКТАБ КУТУБХОНАСИ – У ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Кутубхоналар халқимиз маънавий қадриятларини ўзида жамлаган, улардан авлодларни бахраманд этадиган маънавият масканидир. Шундай экан, айнан мактаб кутубхоналари ишини ривожлантириш, тадбирларнинг самаралли шаклларини ишлаб чиқиш, меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш борасидаги мактаб кутубхоначиси билими ва тажрибасини аниқлаш, жамоатчилик фикрини билиш мақсадида Республика илмий-педагогика кутубхонаси «Мактаб кутубхонаси - у қандай бўлиши керак?» сўровномасини ҳавола этмоқда:

1. Мактаб тарбиявий ишларини олиб бориш жараёнида кутубхонанинг аҳамияти ва ўрни қандай?
2. Сизнингча, бугунги мактаб кутубхоналари олдида қандай асосий вазифалар турибди?
3. Мактаб директори — кутубхоначи; кутубхоначи — туман (шаҳар) халқ таълими бўлими методисти ўртасидаги ўзаро муносабатнинг қайси жиҳатларини ўзгартирган бўлардингиз?
4. Мактаб кутубхонаси таркибини қандай тасаввур қиласиз?
5. Бугунги мактаб кутубхонаси фаолиятидаги ижобий, XXI асрга олиб ўтса бўладиган жиҳатлари нималар?
6. Амалиётчи сифатида сиз китобхон ёшларни маънавий - аҳлоқий шакллантиришни янада кучайтириш, китобхонлик даражасини ошириш учун қандай таклифлар киритган бўлардингиз?
7. Мактаб кутубхоналари китоб жамғармасининг ўқитувчилар касбий, маданий ва ахборотга бўлган талабларини қондира олишдаги имконияти, ўқитувчининг ихтиёрий ва мажбурий ўқиши, ўқийдиган адабиётлар таркиби қандай бўлиши керак?
8. Мактаб ўқувчиларининг кўпроқ ўқийдиган қисми-китобхон ўқувчининг ижтимоий портретини қандай тасаввур қиласиз?
9. Китобхон — ўқитувчи, ўқувчи орасида қайси адабиётларга талаб катта? Қайси тилда ва қайси муаллифларнинг асарлари кўпроқ ўқилади?
10. Ўқитувчини керакли ахборот билан таъминлашни такомиллаштириш учун, сизнингча, нима қилиш лозим?
11. Кутубхонага оид қайси янги технологияни амалда қўллашни хоҳлардингиз?
12. Бунинг учун қандай инновацион тадқиқотлар ўтказиш лозим бўлади?
13. Сиз қандай методик ёрдам олишни хоҳлардингиз?
14. Сизга ишингизда нима ёрдам бериб, нима ҳалақит қилади?
15. Малакангизни қандай оширишни истардингиз?

Биз сизларга — мактаб кутубхоначиларига, амалиётчиларига мурожаат қилмоқдамиз. Сизларнинг тажрибангиз, билимингиз, ўз ишингизга бўлган садоқатингизга ишонамиз.

Ўз фикр-мулоҳазаларингизни қуйидаги манзилга ёзиб юборишингизни илтимос қиламиз:

Тошкент, 700003.
Олмазор кўчаси, 174.
Республика илмий-педагогика кутубхонаси илмий-методик бўлими.
«Жамоатчилик фикри».

Саҳифа материаллари Республика илмий-педагогик кутубхонаси ходимлари томонидан тайёрланди

1999-2000 ЎҚУВ ЙИЛИДА ТАШКИЛ ЭТИШ МУМКИН БЎЛГАН КИТОБ КЎРГАЗМАЛАРИ ВА ОММАВИЙ ТАДБИРЛАРНИНГ ТАХМИНИЙ МАВЗУЛАРИ

(Мактаб ва мактабдан ташқари муассасалар кутубхоначиларига ёрдам)

СЕНТЯБРЬ

1 — Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни /1991/.

2 – Янги ўқув йилининг бошланиши. «Билимлар куни» /1984/.

8 – Халқаро саводхонликни тарғиб этиш куни. ЮНЕСКО қарорига мувофиқ. /1996/.

ОКТЯБРЬ

1 — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни /1996/.

21 – Тил байрами /1989/.

24 – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти /БМТ/ таъсис этилган кун /1945/.

НОЯБРЬ

7 – Шарқнинг етук мутафаккир шоири Абдураҳмон Жомий таваллудининг 585 йиллиги /1414-1492/.

18 — Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тасдиқланганининг 8 йиллиги /1991/.

ДЕКАБРЬ

8 – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни /1992/.

10 — Ўзбекистон Республикаси Давлат Мадҳияси тасдиқланганининг 7 йиллиги /1992/.

— Халқаро инсон ҳуқуқлари куни. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан инсон ҳуқуқлари тўғрисида оммавий Декларация қабул қилинди /1948/.

12 – Талантли ўзбек шоири, таржимон Ҳ. Олимжон таваллудининг 90 йиллиги /1909-1944/

25 – Атоқли ўзбек ёзувчиси, драматург, жамоат арбоби К. Яшин таваллудининг 90 йиллиги /1909-1997/.

1999 ЙИЛДА

Тарихчи олим Наршахий /Абу Бакр Муҳаммад ибн Жафар ан-Наршахий/ таваллудининг 1100 йиллиги /899-959/.

Атоқли олим, шоир, ёзувчи Маҳмуд Замахшарий таваллудининг 925 йиллиги /1074-1144/.

Ўзбек халқининг миллий қаҳрамони, эрк курашчиси Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги.

Буюк олим, фалакиётшунос, математик, маърифатчи Муҳаммад Тарағай Улуғбек таваллудининг 605 йиллиги /1394-1449/.

Ўзбек маърифатпарвар шоираси Зебунисо таваллудининг 360 йиллиги /1939-1702/.

Қорақалпоқ адиби Кунхўжа Иброҳим ўғли таваллудининг 200 йиллиги /1799-1880/.

Ўзбек шоири, таржимон, муаррих Огаҳий /Муҳаммад Ризо Эрниёзбек/ таваллудининг 190 йиллиги /1909-1874/.

Қорақалпоқ шоири Ажиниёз Кўсабой таваллудининг 175 йиллиги /1824-1878/.

Атоқли ўзбек шоири Саидаҳмад Сиддиқий Ажзий таваллудининг 135 йиллиги /1864-1927/

Ўзбекистон халқ шоири Суфизода /Муҳаммад шариф Эгамберди ўғли/ таваллудининг 130 йиллиги /1869-1937/.

Халқ достончиси бахши Пулкан /Муҳаммадқул Жомурот ўғли/ таваллудининг 125 йиллиги /1874-1941/.

Маърифатпарвар шоира Увайсий таваллудининг 120 йиллиги /1779-1850/.

Маърифатпарвар шоир Аваз Утар таваллудининг 115 йиллиги /1884-1919/.

Таниқли ўзбек адиби Абдулла Қодирий таваллудининг 105 йиллиги /1894-1938/.

Шоир, драматург Ғулом Зафарий таваллудининг 100 йиллиги /1899-1944/.

Ўзбек ёзувчиси ва жамоат арбоби Парда Турсун таваллудининг 90 йиллиги /1909-1957/.

2000 ЙИЛ

ЯНВАРЬ

1 – Янги йил байрами.

9 – Драматург ва ёзувчи Назир Сафаров таваллудининг 95 йиллиги /1905-1985/.

10 – Адиб, педагог ва олим Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек таваллудининг 95 йиллиги /1905-1968/.

14 – Ватан ҳимоячилари куни.

17 – Таниқли педагог-олим, педагогика фанлари доктори А.З. Зуннунов таваллудининг 85 йиллиги /1915/.

19 — Машҳур маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудининг 125 йиллиги (1875).

30 — Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А. Каримов таваллуд топган кун /1938/.

ФЕВРАЛЬ

9 – Улуғ шоир, мутафаккир ва давлат арбоби ҳазрат Алишер Навоий таваллудининг 559 йиллиги /1441-1501/.

15 — Ўзбекистон халқ шоири Ғайратий /Абдураҳим Абдуллаев/ таваллудининг 95 йиллиги /1905-1976/.

МАРТ

1 — Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия Исроилова таваллудининг 85 йиллиги /1915-1996/.

2 — Ўзбекистон Республикаси БМТ аъзолигига қабул этилганининг 8 йиллиги /1992/.

8 – Халқаро хотин-қизлар куни.

21 – Наврўз умумхалқ байрами.

27 – Халқаро театр куни /1961/

АПРЕЛЬ

1 — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, педагогика фанлари доктори С.Р. Ражабов таваллудининг 90 йиллиги /1910-1993/.

2 – Халқаро болалар китоблари куни.

5 — Ўзбекистон Республикаси Ёшлар иттифоқи ташкил топган кун /1993/.

7 – Халқаро саломатлик куни.

9 – Давлат арбоби, улуғ саркарда, соҳибқирон Амир Темур таваллуд топган кун /1336-1405/.

10 — Ўзбек ёзувчиси, жамоат арбоби Темур Фаттоҳ таваллудининг 90 йиллиги /1910-1967/.

12 – Халқаро авиация ва космонавтлар куни /1962/.

23 – Халқаро китоб ва муаллифлик ҳуқуқини ҳимоялаш куни.

30 – Халқаро биродарлашган шаҳарлар куни /Ҳар йили апрель ойининг охирги якшанбасида нишонланади/.

МАЙ

9 – Хотира ва Қадрлаш куни /Ўзбекистон Республикасида 1999 йилдан бошлаб нишонланади/.

14 – Шоир ва драматург Ўйғун /Раҳматилла Отақўзиев/ таваллудининг 95 йиллиги /1905-1990/.

15 – Халқаро оила куни /1994/.

18 – Музейлар куни /1977/.

28 – Шоир, ёзувчи ва таржимон Миртемир таваллудининг 90 йиллиги /1910-1978/.

ИЮНЬ

1 – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни /1949/.

5 – Халқаро атроф-муҳитни муҳофазалаш куни /1972/.

6 – Пушкин шеърияти байрами.

10 — Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад таваллудининг 80 йиллиги /1920/.

26 — Ўзбекистон Республикаси Алишер Навоий номидаги Давлат кутубхонаси ташкил этилганининг 130 йиллиги /1870/.

ИЮЛЬ

2 — Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасдиқланганлигининг 8 йиллиги /1992/.

АВГУСТ

6 – Бутун жаҳон ядро курашини маън этиш учун кураш куни /1945/.

14 – Таниқли актёр, Ўзбекистон халқ артисти Аброр Ҳидоятов таваллудининг 100 йиллиги /1900-1958/.

2000 ЙИЛДА

Буюк математик ва фалакиётшунос олим Мусо Хоразмий таваллудининг 1320 йиллиги /780-850/.

Энциклопедист олим, табиб, файласуф Розий /Абу Бакр Муҳаммад ибн Захария ар-Розий/, /Разес/ таваллудининг 1135 йиллиги /865-925/.

Шоир Абулқосим Фирдавсий таваллудининг 1060 йиллиги /940-1020/.

Урта асрнинг буюк олими Абу Али ибн Сино /Авиценна/ таваллудининг 1020 йиллиги /980-1037/.

Педагог олим, «Ўқувчига таълим йўлида қўлланма» педагогика дарслиги муаллифи Бурҳониддин Зарнуджий таваллудининг 850 йиллиги /1150-1219.

Мутафаккир шоир Саъдий Шерозий таваллудининг 790 йиллиги /1210-1295/.

Шоир Ҳофиз Шерозий таваллудининг 675 йиллиги /1325-1389/.

Математик, фалакиётшунос Қозизода Румий /Салоҳиддин Муса ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд/ таваллудининг 640 йиллиги /1360-1437/.

Шоир Хўжа /Пошшохўжа Абдулваҳобхўжа ўғли/ таваллудининг 520 йиллиги /1480-16 аср бош./

Маърифатпарвар шоира Дилшода Барно таваллудининг 200 йиллиги /1800-1905/.

Шоир, таржимон, ҳаттот, мусиқашунос Комил Хоразмий /Паҳлавон Ниёзмуҳаммад/ таваллудининг 175 йиллиги /1825-1890/.

Ўзбек демократик шоир Муқимий таваллудининг 150 йиллиги /1850-1903/.

Ўзбек маърифатпарвар шоираси Анбар отин таваллудининг 130 йиллиги /1870-1915/.

Самарқандда янги мактаб очган таниқли педагог Абдуқодир Шакурий таваллудининг 125 йиллиги /1875-1943/.

Ўзбек қўшиқчи шоири, хизмат кўрсатган маданият ходими Ҳабибий таваллудининг 110 йиллиги /1890-1980/.

Давлат ва жамоат арбоби Жаҳон Обидова таваллудининг 100 йиллиги /1900-1966/.

Ёзувчи Собит Муқонов таваллудининг 100 йиллиги /1900-1973/.

Ёзувчи Шокир Сулаймон таваллудининг 100 йиллиги /1900-1942/.

Шоир Ҳоди Тўхташ /Тўхташев/ таваллудининг 100 йиллиги /1900-1931/.

Шоир Чархий таваллудининг 100 йиллиги /1900-1979/.

Қорақалпоқ ёзувчиси, филолог-олим Нажим Давқораев таваллудининг 95 йиллиги /1905-1953/.

Ўзбек шоири, атоқли драматург Собир Абдулла таваллудининг 95 йиллиги /1905-1972/.

Буюк ўзбек актёри, Ўзбекистон халқ артисти Олим Хўжаев таваллудининг 90 йиллиги /1910-1977/.

Ўзбекистон халқ артисти, режиссёр, педагог Раззоқ Ҳамроев таваллудининг 90 йиллиги /1910-1981/.

Ўзбек шоири Султон Жўра таваллудининг 90 йиллиги /1910-1943/.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Асқад Мухтор таваллудининг 80 йиллиги /1920-1997/.

Ўзбек болалар шоири Қудрат Ҳикмат таваллудининг 75 йиллиги /1925-1968/.

ЮРТ ОЗОДЛИГИ УЧУН КУРАШДИ

Жалолиддин Мангубердининг 800 йиллик юбилейига бағишлаб ўтказиладиган китоб кўргазмалари ва оммавий тадбирлар ўтказишда фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

Олам ичра Ватанимнинг
мисоли йўқ, тенги йўқ.
Бу табаррук гулистонни
мен суймайин, ким суйсин!

М.ШАЙХЗОДА

Хоразм султони Жалолиддин Мангуберди — Ўрта Осиё халқлари тарихида ватанпарварлиги, қаҳрамонлиги, жасорати билан мангу ном қолдирган шахс. Унинг номи ўз юрти номуси ва озодлиги учун мўғулларга қарши кураш тимсолидир. Очиғи, Жалолиддин Мангубердининг ҳаёт йўли мураккаб ва зиддиятлидир. Бу йўл жасур лашкарбоши, оташин ватанпарварнинг, сиёсий ва давлат арбобининг ўз юрти эрки учун курашган қаҳрамоннинг йўли — улуғ йўлдир. Унинг ҳаёти ва фаолияти жаҳоннинг кўпгина халқларида чуқур ҳурмат, қизиқиш ва эҳтиром туйғуларини уйғотди. Унга бир қанча шарқшунос олимлар, адабиёт ва санъат арбобларининг миллий қаҳрамон дея мадҳ этувчи тарихий асарлари бағишланган.

Тарихий ҳақиқатни тасдиқлаш, Жалолиддин Мангуберди хотирасини абадийлаштириш ва ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида Ўзбекистонда шу йилнинг кузида жаҳон халқлари тарихида ўчмас из қолдирган бу сиймонинг 800 йиллиги кенг кўламда нишонланади.

Ўқитувчилар, синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар ташкилотчилари, мактаб ва мактабдан ташқари муассасалар кутубхоначилари диққатига юрт озодлиги учун жон фидо этган Жалолиддин Мангуберди ҳаёти, қаҳрамонликлари, беаёв кураши ҳақидаги адабиётлар рўйхати ҳавола қилинмоқда. Ушбу адабиётлардан улар китоблар кўргазмаси ташкил этишда, оммавий тадбирлар ва суҳбатлар ўтказишда, юбилей тантаналарига маърузалар тайёрлашда фойдаланишлари мумкин.

АДАБИЁТЛАР:

1. Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигини нишонлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. 1998 йил 24 сентябрь «Халқ сўзи» газетаси, 1998 йил 25 сентябр. 1-б.
2. Абдусаматов Ҳ.«Ватанга қулчилик—шоҳона мансаб»: Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги. Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси. 1999 й 5 март. 3-б.
3. Аваз С.Шахобиддин Мирсамадан—Насафийнинг «Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаётининг тасвири». «Халқ сўзи» газетаси, 1999 й 23 апрел.
4. Бобоев Ҳ.,Ҳасанов С. «Жалолиддин Мангубердининг давлатни бошқариш сиёсати». «Ҳаёт ва қонун» журнали, 1999 й №.2. 15-20-б.
5. Бўриев О. Жалолиддин Мангуберди ва Темур Маликнинг бирга курашгани баёни. «Маърифат» газетаси, 1998 й.7 ноябрь.
6. Зайниддин Ҳ.«Жалолиддин Мангуберди»—Т.:«Фан», 1993 й. 71-б.
7. Зайниддин Ҳ.«Сўнгги аланга».Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги олдидан.«Тошкент ҳақиқати» газетаси, 1999 й. 12 июнь.
8. Кийиқ Ҳ. Хоразм шоҳ: «Жалолиддин Мангубердининг шахсияти». «Тафаккур» журнали, 1996 й. №4. 63-71-б.
9. Қурбон Т. «Оналарнинг онаси—Ватан: Жалолиддин Мангуберди». «Халқ сўзи» газетаси, 1998 й,10 ноябрь.
10. Мирмуҳсин. Мамлуклар: Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги олдидан. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1999 й. 28 май.
11. Муҳаммаджонов З. «... Туғилган эрликка эҳтиёж билан»: Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги олдидан. «Халқ сўзи». 1998 й. 3 ноябрь.
12. Содиков Ҳ. «Жалолиддин Мангуберди » қиссасидан парчалар. «Туркистон» газетаси 1999 й. 20 февраль.
13. Тошев Н. «Жалолиддин Мангуберди». Улуғ саркарда ҳаётига оид айрим қайдлар. «Халқ сўзи» газеатаси, 1998 й. 20 октябрь.
14. Шайхзода М. «Жалолиддин Мангуберди» беш пардали тарихий фожиа. «Ёшлик» журнали, 1997 й. № 6. 53-68-бетлар; № 7. 36-48-бетлар.

АФҒОНИСТОНДАГИ ЗИДДИЯТНИ ТИНЧ ЙЎЛ БИЛАН ҲАЛ ЭТИШНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ТОШКЕНТ ДЕКЛАРАЦИЯСИ

(Боши 1-бетда)

5. Биз музокаралар жараёни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафеълигида ўтиши лозим ҳамда у икки босқичдан иборат бўлиши мумкин, деб ҳисоблаймиз.

(а) Биринчи босқичнинг асосий мақсади ўзаро ишончни мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар қабул қилишдан иборат бўлади. Бу чора-тадбирлар:

(i) Ўт очишни дарҳол ва сўзсиз, ҳеч қандай шартларсиз тўхтатиш бўйича битим имзоланишини;

(ii) Бу босқичда зиддиятга аралашган икки томон — Бирлашган Фронт билан "Толибон" ҳаракатининг ваколатли делегациялари ўртасида битимларга эришиш, шу жумладан:

— асирларни айирбошлаш;

— ички тўсиқларни олиб ташлаш ҳамда ўзаро савдо ва турли афғон гуруҳлари назорат қилиб турган ҳудудларга мурувват ёрдами етказиб бериш учун йўлларни очиш мақсадида бевосита музокаралар ўтказишни ўз ичига олади.

(в) Иккинчи босқичнинг асосий мақсади афғонларнинг ўзи Афғонистоннинг келажакдаги давлат тузилишининг асосий тамойилларини ишлаб чиқиши ҳамда қисқа вақт ичида кўп этник ва барча томонлар вакилларидан иборат ҳукуматни шакллантиришидан иборатдир.

6. Афғонистон билан чегарадош давлатлар вакиллари наркотик моддаларнинг ғайриқонуний айланишига қарши кураш бўйича самарали ва мувофиқлаштирилган чора-тадбирлар кўриш истагидан келиб чиқиб, икки томонлама ва кўп томонлама асосда наркотик моддаларнинг ғайриқонуний айланишига қарши кураш бўйича самарали ва мувофиқлаштирилган чора-тадбирларни кучайтиришга келишиб олдик. Шу муносабат билан биз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бу жараёнда наркотик моддаларни назорат қилиш Халқаро дастурининг муҳим ўрин тутишини эслатамиз ва таъкидлаймиз.

7. Биз "Толибон" ҳаракатини Эрон Ислом Республикаси ҳукумати ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотини ўзининг Эрон Ислом Республикасининг Мозори Шарифдаги Бош консулхонасининг дипломатик ва консуллик ходимларининг ва Ислом Республикаси янгиликлар агентлиги мухбирининг ўлдирилиши хусусидаги текширишлари натижаларидан хабардор қилишга чақирамиз ҳамда "Толибон" ҳаракатини айбдорларни жазолаш мақсадида бу қотилликлар бўйича халқаро текширувлар билан тўла ҳамкорлик қилишга чақирамиз.

8. Биз Афғонистон томонларини, айниқса, "Толибон" ҳаракатини халқаро террорчилар ва уларнинг ташкилотларига бошпана бериш ва уларни ўқитишни тўхтатишга, террорчиларни суд жавобгарлигига тортиш борасидаги саъй-ҳаракатларга кўмаклашишга чақирамиз.

9. Биз Афғонистон томонларида халқаро ҳуқуқнинг асосий меъёрларига мувофиқ равишда инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва барча афғонларнинг фундаментал эркини тўла ҳурмат қилиш туйғуси ва масъулиятини уйғотиш учун бутун кучимизни сарфлашга тайёрмиз.

10. Биз юқоридаги 1-бандга мувофиқ тузиладиган Афғонистоннинг янги ҳукумати билан Афғонистон ва минтақада хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, афғон қочқинларининг ўз жойларига қайтиши ҳамда БМТ муассасалари ва дастурлари, халқаро молиявий ташкилотлар ва ёрдам берувчи мамлакатлар кўмагида Афғонистоннинг тезда тикланиши ва оёққа туришини таъминлаш мақсадида барча соҳада ҳамкорлик қилишга тайёрмиз.

11. Биз халқаро ҳамжамиятни Бош котиб Афғонистон учун Фавқулодда мақсадли жамғарма мавжудлигини эслатган ҳолда мурожаат қилганидек, 1999 йил 1 январдан 31 декабрга қадар Афғонистонга фавқулодда мурувват ёрдами ва тикланиш учун ёрдам кўрсатиш бўйича биргаликда ҳаракат қилишга бўлган муассасаларо даъватга эътибор қаратишга чақирамиз. Жойларни миналардан тозалашни қўллаб-қувватлаш ўта муҳим иш ҳисобланади.

12. Биз халқаро ҳамжамиятни бу таклифларни қўллаб-қувватлашга ҳамда Афғонистондаги зиддиятни тезлик билан бартараф этишни таъминлаш бўйича мувофиқлашган саъй-ҳаракатлар қилишга, шунингдек, Афғонистондаги барча кучларни сиёсий ирода ва доноликни намоён этиб, ўзаро келишмовчилик ва душманликка барҳам беришга ҳамда мустаҳкам ва узоқ муддатли тинчлик ўрнатилиши мумкин бўлган бу тарихий имкониятни қўлдан бермасликка чақирамиз.

13. Мазкур Декларация икки асл нусхада, инглиз ва рус тилларида тузилди, иккала нусха ҳам бир хил кучга эга.

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳрида, бир минг тўққиз юз тўқсон тўққизинчи йил июль ойининг 19 кунида битилди.

ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ НОМИДАН

ЭРОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ НОМИДАН

ПОКИСТОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ НОМИДАН ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ НОМИДАН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ НОМИДАН

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ҲУКУМАТИ НОМИДАН

АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ ҲУКУМАТИ НОМИДАН

КУЗАТУВЧИ СИФАТИДА БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ НОМИДАН

Yaxshilar oramizda

УСТОЗ

Устознинг олтмиш йиллик тўйини эшитиб, бу мақолани уч-тўрт кун аввал ёза бошлагандим. Лекин устоз ҳақида кўпгина гаплар матбуотда чиқиб кетди. Такрорийликни кўтаролмайдиган таҳрир устаси ҳақида мақола ёзиш нақадар машаққатли эканлигини яна бир бор англадим. Табиийки, мақола таҳрир қайчисига йўлиқди.

Барибир, «Ҳуррият»ни ўқишга (Иброҳим Ғофуровнинг «Мустақил фикр эгаси» мақоласи), кечаги «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасини олишга (Рустам Мусурмоннинг «Шогирдлари сочидан кўп, ўзидан катта...» мақоласи) улгурмаган муштарийлар учун Устозни таништириш керак деган фикр устун келди.

Журналистлар, адабиётшунослар мулоқотида устоз сўзи тилга олинса, хаёлга келадиган биринчи сиймо «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг отахон журналисти Маҳмуд Саъдий бўладилар десам, муболаға бўлмайди. Маҳмуд акани ҳамма Устоз дейди. Бир пайтлар "бу сўзни айтиш учун ёш журналист ёки адабиётшуноснинг маънавий ҳаққи бўлиши керак», деган фикрда юрган газетанинг янги мусаҳҳиҳи — каминанинг тили бу сўзни айтишга жуда қийналган. Ўрганганда ҳам бу сўзни эҳтиёт бўлиб талаффуз қилардимки, Маҳмуд ака гўё «менга яраша шогирдликка ярамайсан», дея айтадигандек бўлаверарди. Қалбидарё устоз ҳеч кимга бундай демаслигини бугун жуда яхши биламан. Лекин яна шуни англадимки, Устоз сўзини айтиш учун киши барибир ўзини ҳар томонлама чиғириқдан ўтказади. Маҳмуд аканинг турли мавзудаги ўқиган ва йиққан саноқсиз китобларини англаб, ўзи ҳам ана шундай маърифат қули бўлишга чоғланади. Ёшларни мана шундай чоғлаши Маҳмуд аканинг энг гўзал хусусияти деб биламан.

Гоҳида ўйланиб қоламан. «Нега» ва «Нима учун» деган саволни Устоз ўзига неча бор берган экан-а? Булар инсон ўзини англаши учун тинимсиз бериладиган саволлардир. Бу саволлар инсоннинг ҳурлигига, мустақил фикрли бўлишига ва фикрлашда давом этишига хизмат қиладиган саволлардир. Йўқса Устоз шу пайтгача ўқиган китоблари қолиб, эртага фалон китобни топиб ўқишим керак, демаган бўларди. Демак юқоридаги саволларни Маҳмуд ака ўзига яна саноқсиз равишда кўп беради, ёшларга ибрат бўлишда давом этади.

Устоз — таҳрир санъатининг устаси. Сўз устида ишлаш, яъни сўзни англаш, уни ўз ўрнида қўллаш каби таҳрирнинг ўзига хос жиҳатларини кўпчилик ёшлар Устоздан ўрганишга ҳавас қиладилар. «Сочидан кўп шогирдлари» орасида «Маърифат» газетасининг ҳам қатор ёш журналистлари бор. Бундан икки йил аввал Устоз беш нафар ходимимизни тўрт ой давомида таҳрир санъатига ўргатдилар. Тўғриси, бу сабоқлар жараёнида таҳрир илми машаққатига чидаган журналист ўсишга улгурди, чидамагани «Маърифат»ни тарк этишга мажбур бўлди.

Бугун Устоз халқаро журналистика факультети ўқув режасига киритилган, «таҳрир санъати» деб номланган махсус янги фан бўйича дастурни тугатиб, талаба-журналистлар учун қўлланма ёзишга киришган. Талабалар, ҳатто бугунги ёш журналистлар учун зарур ҳисобланган муаллиф топиш ва улар билан ишлаш маҳорати бўйича ҳам қўлланма яратаман, деган мақсад билан юрибди.

Қўёшнинг нуридан баҳра ололмаётган майсаларни кўрганмисиз? Улар қуёш нури берадиган гўзал рангни топа олмай сарғайиб, нимжон бўлиб турадилар. Муҳаррирлик бобида Устозни қуёшга ўхшатгим келади.

Устознинг шогирдлари кўп дедик. Бироқ, бугун журналистика факультетида ўқиб юрган ва таҳрири яхши журналист бўламан, дея орзу қилган талабаларни Устоз сабоқларини олишга чақираман.

Маҳмуд ака мақола ёзишга, ҳатто овқат ейишга сарфлайдиган вақтини сизга ажратади, аямайди. Чунки Маҳмуд ака Устозлик замирида қандай масъулиятли, шу билан бирга мароқли ва савобли вазифа мужассам эканлигини ҳаммадан яхши билади.

Муродингизга етинг, Устоз!

Ҳалим САЙИД

Yangi kitob

ЯНГРОҚ НАВОЛАР

Яқинда Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти томонидан «Ғаллаорол наволари» номли китоб нашр этилди. Икки минг нусхада чоп қилинган мазкур тўпламга Ғаллаорол туманидаги Қўйтош кони ва Лалмикор нефт маҳсулотлари корхонаси ҳомийлик қилган. Ғаллаорол туманида вояга етиб, ҳозир турли жойларда меҳнат қилаётган ўттиз уч нафар шоир ижодидан намуналар берилган ушбу шеърий баёз билан танишиб чиқар эканман, XIX аср бошларида Махмур Коризий, Убайдуллоҳ Аламкаш, Нарзий, Маҳжур сингари мумтоз шоирларимиз томонидан шакллантирилган Янгиқўрғон (Ғаллаорол) адабий муҳитининг нафасини ҳис қилгандай бўлдим.

Эътиборга молик жиҳати, «Ғаллаорол наволари» шеърий баёз муаллифларининг кўп қисмини туман таълим тизимида меҳнат қилаётган ижодкор ўқитувчилар ташкил қилади. Улар қаламига мансуб шеърлар ўзига хослиги ва мавзу рангбаранглиги билан шеърхонларга манзур бўлиши, шубҳасиз. Бундан ташқари, мазкур тўплам бир ҳудуд ижодкорлари асарлари хусусида ўқувчиларда тасаввур уйғотиши, уларда ватанпарварлик туйғуларини камол топтириши ва нафис адабиётга бўлган қизиқишларини тарбиялаши билан ҳам адабиёт ўқитувчиларига қўл келиши мумкин.

И.БЎРИБОЕВ

Mulohaza

ҲУҚУҚИЙ АТАМАЛАРНИ ҚАНДАЙ ҚЎЛЛАЯПМИЗ?

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, бир қатор соҳалар қатори тилшуносликда ҳам улкан ўзгаришлар амалга оширилди . Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши, лотин ёзувига асосланган алифбога ўтишимиз шулар жумласидандир.

Бу ўзгаришлар ўз навбатида тилимизни унга суняъий равишда кириб келган бегона сўзлардан тозалаш, йўқолиш арафасида турган баъзи сўзларимизни тиклаш зарурлиги туғдирди. Шу боисдан ҳам кўплаб олимларимиз ушбу масала юзасидан бош қотирмоқдалар. Қонунларимиз ўзбек тилида қабул қилинаётган, ҳуқуқий муносабатлар ўзбек тилида олиб борилаётган экан, миллий тилимизда ҳуқуқий атамаларнинг қўлланилиши долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Маълумки, миллий давлатчилигимиз тарихи жуда узоқ-узоқларга бориб тақалади. Турк ҳоқонлиги, Қорахонийлар салтанати, айниқса, Амир Темур тузган давлатчилик тузилмаси ўзининг қудрати ва намуналиги билан жаҳонда шуҳрат қозонган. Шунга боғлиқ равишда ҳуқуқий атамаларимиз тарихи ҳам узоқ. Масалан, ўрта асрларга оид девонбеги, арк беги, вазир, амирул-умаро (амирлар амири, бош саркарда), амидул-мулк (давлат ҳужжатлари ва элчилик алоқалари вазири), вазикром (солиқ йиғувчи, молия ходими), девон (вазирлар маҳкамаси), мумалликаи хос (давлат мулклари бошқарувчиси), муставфий (марказий ҳокимият девонхонаси дафтардор ҳисобчиси), мушриф (сарой иш бошқарувчиси) каби кўплаб давлат бошқарув органлари номларини, шунингдек, турли ҳужжат номларини билдирувчи атамаларни кўриш мумкин.

Ўзбекистон собиқ шўролар ҳукмронлигида бўлган даврда ҳуқуқий атамалар ичида русча - интернационал атамалар кўп ишлатилган. Айни вақтда ўзбекча муқобили бўлиши мумкин бўлган баъзи сўзлар асл ҳолича, рус тилида қандай бўлса, шундай ишлатиларверган. Ҳужжатлар аввал рус тилида тайёрланиб, лозим бўлса ўзбек тилига ўгирилар эди. Тилимизда ҳозиргача ишлатилиб келинаётган суд, судья, растрата, бюллетень каби сўзларнинг муомалада қотиб қолишига сабаб ҳам уларнинг узоқ вақт муқобили топилмай қўлланиб келинаётганлигидан деб билиш мумкин.

Ўзбек тилининг сўз ясалиши жиҳатидан ички имкониятлари катта бўлса ҳам, ҳозирги пайтда юқоридаги каби сўзларнинг ўзбек тилидаги мос муқобили топилмади ва бу сўзларни асл ҳолича қўллаш давом этмоқда. Шу билан бирга, ўзбекча муқобил сўзларнинг бир талайи яратилиб, ўлар муомалада кенг қўлланилмоқда.

Шу ўринда айтиш керакки, баъзи бир муқобил сўзларни топишда шошмашошарликка йўл қўйилмоқда. Масалан, «подозреваемый» — «гумондор» тариқасида таржима қилинган. Бу сўз ҳозирги вақтда «гумон қилинувчи» деб тўғри ўзгартирилди. «Адвокат» сўзини «ҳимоячи, оқловчи» тарзида, «кодекс»ни «қонунлар мажмуаси» деб қийинлаштиргандан кўра, бу сўзлар аслича қўллангани маъқул.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон халқаро алоқаларда фаол қатнашиб, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрнини топиб бормоқда. Шу боисдан муҳим ҳуқуқ тармоқларидан бири бўлган халқаро ҳуқуққа бўлган эътибор ҳам кучаймоқда. Халқаро ҳуқуқда қўлланиладиган атамаларга назар ташлайдиган бўлсак, улар ичида жаҳон миқёсида ишлатиладиган сўзлар ниҳоятда кўп: резидент, репарация, консул, контракт, конфронтация, конфедерация, консенсус, плебисцит ва бошқалар. Бу атамалар умумжаҳон миқёсида қўлланиб келинаётганлиги учун уларнинг ўзбекча муқобилини қидириш шарт эмас. Менинг фикримча, агар ҳуқуқий атама ифодаловчи нарса-ҳодиса янги пайдо бўлган бўлса-ю, унинг номланиши дунё миқёсида тан олинган бўлса ёки бу атаманинг муқобили ўзбек тилида мутлақо бўлмаса, ортиқча сўз ясаш ёки яқинроқ маъноли сўзни қидириб ўтирмай, шу атаманинг ўзини қўллаш лозим. Қолаверса, фуқаролар янги атамаларга кўникма ҳосил қилган бўладилар.

Ана шу масалаларни ўрганишда Тошкент Давлат юридик институти «Халқаро ва қиёсий ҳуқуқ» кафедраси доцентлари О.З.Муҳаммаджонов ва М.Г.Воинова томонидан тузилган «Халқаро ҳуқуққа оид русча-ўзбекча атама ва иборалар луғати» номли рисола муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилади. Луғатни тузишдан мақсад, ўзбек ва рус тилидаги атамаларнинг маъносини ўқувчига тўғри тушунтириш, халқаро ҳуқуқ соҳасида фаолият олиб бораётган ҳуқуқшуносларнинг атамалар лексикасини бойитиш, қолаверса, бундай атамалар ўзбек тилида қандай ифодаланишини кўрсатиб беришдан иборат.

Луғатда атамаларни рус тилидан ўзбек тилига ўгиришда ниҳоятда эҳтиёткорлик билан иш кўрилган ва сўзлар оқилона танланган. Масалан, рус тилидаги ҳуқуқий адабиётларда «ад референдум», «казус белли», «казус федерис», «модус вивенди» каби сўзлар асл ҳолича ишлатилиб, керакли жойда изоҳи берилади. Муаллифлар рисолани тузишда ҳам шундай йўл тутишган, қолаверса, бундай атамаларнинг айнан таржимасини берувчи ўзбекча сўзлар мавжуд эмас.

Айрим ҳуқуқий атамалар бирикмаларини маъносига қараб таржима қилишда жуда тўғри йўл тутилган. Масалан, «класс дипломатических представителей» атамаси «дипломатик вакиллик мансаб даражаси» деб ўзбек тилига ўгирилган. Бунда ҳуқуқшунос русча ҳуқуқий адабиётда ўқиб, тушуна олмаган сўзларни луғатдан кўриб, керакли изоҳни ҳам олади. Шунингдек, муаллифлар «координация»ни «мувофиқлаштириш», «косвенная агрессия»ни «билвосита тажовуз», «локалная война»ни «маҳаллий уруш», «преференция»ни «афзаллик, имтиёз» деб таржима қилишда бу атаманларни ўзбек тилида қандай сўзлар билан ифодалаш мумкинлигига алоҳида эътибор беришган.

Муаллифлар луғатни тузишда асосий эътиборни кўпроқ атаманинг маъносини тўғри ифодалаб бера олишига қаратишган. Масалан, «пресс - атташе» сўзини «Матбуот масалалари билан шуғулланувчи ходим, атташе» деб изоҳлаб, ўз навбатида , «атташе« сўзининг ўзини ёки таржимавий изоҳини қўллашни ҳуқуқшуноснинг ўз ихтиёрига ҳавола қилишган.

Русча ҳамда байналмилал ҳуқуқий атамаларни ўзбек тилида ифодалашда уларнинг тилимизда қандай равон ва чиройли янграши ҳам эътиборга лойиқ масала. Луғатда «прилежащая зона» - «ёндош ҳудуд», «регистрация космических объектов» — «фазо объектларини қайд қилиш», « силы быстрого развёртывания» - «тез ҳаракат қилувчи кучлар», «урегулирование конфликта» — «низони ҳал қилиш», «выраженное согласие» - «аниқ ифода этилган розилик» шаклида берилган. Бундай атамалар маъносига кўра таржима қилиниб, сўзларнинг тўлиқ изоҳини беришга ҳаракат қилинган.

Юқоридаги мисолларни кўриб чиқар эканмиз, атамаларни ўз ўрнида, керагини топиб қўллаш осон иш эмаслигига гувоҳ бўламиз. Чунки бошқа тилларда қўлланилаётган бирор сўзни ўзбек тилида ифодалаш учун ўша сўзнинг тўлиқ маъносини берувчи атамани қидириб топиш керак. Тилимизда эса, бундай имконият чегараланган. Бунинг яна бир боиси шундаки, ҳозирги пайтда ҳуқуқнинг турли тармоқларида янгиянги ҳуқуқий муносабатлар пайдо бўлмоқда. Кредит, менежмент, маркетинг, клиринг каби сўзлар тилимизга нисбатан кейинроқ кириб келган. Уларни ўзбекчага ўгириш учун ё янги сўз ясаш керак, ёки унга яқинроқ маъноли сўзни қидириб топиш керак. Бу эса, нутқимизда маълум бир камчиликларни келтириб чиқариши мумкин.

Маълумки, ҳозирги пайтда матбуотда баъзи сўзларни ўзбек тилига ўгириб ишлатишга ҳаракат қилинаяпти. Масалан, «бартер» сўзи «мавозе», «ратификация» — «тасдиқлаш», «денонсация» — «бекор қилиш» «контрибуция» — «товон», «геноцид» — «қирғин» шаклида бериляпти. Бундай атамаларнинг ўзбекча муқобилини топишга ҳаракат қилиш яхши, албатта. Лекин шуниси ҳам борки, топилган муқобил атамалар аслидан англашиладиган маънони тўла ифодалаши, зарур ҳолларда эса, кенг қамровга эга бўлиши лозим. Ана шу тамойилдан келиб чиққан ҳолда ёндашилгандагина мазкур атамалар «ўзимизники» бўлиб ўзлашади, ўз тилимизнинг луғавий таркибидан мустаҳкам ўрин олади.

Биз ўзбек тилидаги ҳуқуқий атамаларни биргина халқаро ҳуқуқ соҳасида, кичик луғат мисолида кўриб чиқдик. Аслида бу мавзу кенг муҳокамага тақдим қилиниши лозим бўлган долзарб масалалардан ҳисобланади. Истаймизки, келажакда ана шундай луғатлар, рисолалар кўпроқ яратилаверсин ва мустақил диёримизнинг ҳуқуқ соҳасида муваффақиятларга эришувида муҳим манба бўлиб хизмат қилсин.

Музаффар ДЎСТҚОРИЕВ,
Тошкент Давлат юридик институти 4-курс толиби

Гуллар билан сирлашиб...

Yoz o'tmoqda(mi?) soz

ИШ ЭГАЛИ БЎЛГАН ЖОЙДА...

«1999 йил ўқувчилар ёзги дам олишини ташкил этиш бўйича таълим муассасаларининг вазифалари тўғрисида»ги ХТВнинг махсус буйруғига асосан жойларда оромгоҳлар, соғломлаштириш марказлари ташкил этилган эди. Айни кунларда биринчи босқич дам олишга жалб қилинган 212082 нафар ўқувчилар санатория типидаги, спорт-соғломлаштириш, мактаб қошидаги, меҳнат ва роҳат ҳамда иқтидорли болалар оромгоҳларида бўлиб қайтдилар. Республика бўйича ташкил этилган жами 1550 та ана шундай сўлим масканларда «спорт – саёҳат — ўлкашунослик – экология – хизмат кўрсатиш — қадриятлар – билимлар» йўналишларида иш олиб борилмоқда. Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган қатор мақсадли дастурлар асосида ёзги оромгоҳларда ишни сифатли ташкил этишга Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент ШХТББ, вилоятлар ХТБ ва маҳаллий ҳокимиятлар жалб қилинди. Шунингдек, болаларнинг ёзги дам олиш мавсумига сафарбар этиладиган талаба-тарбиячиларнинг болалар билан ишлаш самарадорлигини ошириш мақсадида жойларда махсус ўқувлар ташкил этилди. Уларга мутахассислар маслаҳатлари, услубий тавсиялар ва жараёнда амалий ёрдам берилганлиги айниқса, аҳамиятлидир.

Хўш, натижа нима бўлди?

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, қаерда бу ишга халқ таълими тасарруфидаги муассасалар билан бирга маҳаллий ҳокимиятлар, ҳомийлар ва турли жамғармалар эътибори етарли даражада жалб қилинган бўлса, ўтган қисқа вақт болалар ҳаётида унутилмас из қолдирди. (Тошкент, Самарқанд, Андижон). Аксинча, ёзги дам олиш мавсумини самарали ўтказишга бармоқ орасидан қараган, ўзибўларчиликка йўл қўйилаётган жойларда ачинарли аҳволларни ҳам кузатиш мумкин. Муддаомиз уларни «калтаклаш» эмаслиги боис, бундай ҳолатлар қайд этилган оромгоҳлар ҳақида ҳозирча сўз юритишдан ўзимизни тийган ҳолда баъзи мулоҳазаларни ўртоқлашмоқчимиз.

Халқ таълими вазирлигининг шу йил май ойида қабул қилинган 72-сонли буйруғига асосан, халқ таълими бошқармалари оромгоҳлар ишини яхшилаш мақсадида:

— мактабдан ташқари таълим муассасалари, истироҳат боғлари, клублар қошида соғломлаштириш марказларини ташкил этиш учун аниқ таклифлар билан маҳаллий ҳокимиятларга мурожаат қилишлари;

— барча турдаги оромгоҳлар талабига кўра тарбиячи, мусиқа, жисмоний тарбия, тўгарак раҳбарлари каби педагогик ходимлар ва услубий жиҳозлар билан таъминлаш;

— оромгоҳларнинг безатилиши, ёзги дам олиш учун тарбиявий жиҳатдан зарур воситалар билан таъминлаш каби асосий вазифаларни бажаришлари керак эди. Ўтган муддатда оромгоҳларга жалб қилинган тарбиячи ва етакчилар, ота-оналар ҳамда у ерда тарбияланувчи болалар ҳам юқорида таъкидланган вазифалар мутасадди раҳбарлар ва ташкилотчилар томонидан қандай адо этилганлигига холис баҳо бермоқда.

Бугунги иқтисодий шароитдан келиб чиқиб, мактаблар қошида оромгоҳлар ташкил этишга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Чунки, бундай оромгоҳларда ишни ташкиллаштириш, маҳалла қўмиталари ва ҳомийлар ёрдамини жалб қилиш, маҳаллий қадрлар билан таъминлаш, бирмунча қулай ва осон кечади. Бугун республика бўйича 440 та ана шундай масканлар ташкил этилиб, уларда 48373 нафар ўқувчи-болалар ҳордиқ чиқарди. Бу кўрсаткич мактабларнинг ва уларда таълим олаётган ўқувчиларнинг умумий сонига нисбатан жуда кам. Бу ҳақда ҳам ўйлаб кўриш лозим.

Ф.КАРИМОВ,
"Маърифат"нинг махсус мухбири

ЎН БАРОБАР КЎП

Америкалик бир гуруҳ олимлар «Бета III» деб номланган сабзининг янги навини етиштирдилар. Янги навнинг оддий сабзилардан фарқи — унда инсон организми учун ғоят зарур бўлган каротин моддаси ўн баробар кўпдир.

КЎК БЎЁҚ УЧУН ФЕРМЕНТ

Японияниг «Санитори» корпорацияси мутахассислари эса, кўк рангли атиргул навини яратишга муваффақ бўлишди. Дунёда мавжуд 20 минг тур атиргулларга қўшимча ҳисобланган мазкур янги турда кўк бўёқ олиш учун ферментлар мавжудлиги кўпчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда.



СЕРФАҲМ ҚУШЛАР

Греция овчилар уюшмаси ҳафтанинг ов қилиш таъқиқланган куни – душанбада ҳам овга ижозат сўраб ҳукуматга мурожаат қилди, лекин рад жавобини олди. Овчиларнинг кузатишларича, қушлар ҳафтанинг ов таъқиқланган кунини яхши фаҳмлаб олган ва кузда мамлакатдан жанубга учадиган қушлар ҳам асосан шу куни парвоз қилмоқда.

ЗОЕ КЕТГАН ВАҚТ

Норвегиялик мутахассисларнинг ҳисоблаб чиқишларича, бир иш кунида 6 марта сигарета чекувчи кашанда (ҳар чекиш вақти 5 дақиқа атрофида бўлса) бир йилда уч ҳафталик иш кунини фақат чекиш учун сарфлар экан. Ушбу маълумотдан бохабар бўлган мазкур давлатдаги кўпгина ташкилотлар чекмайдиган ходимлари учун уч ойда бир марта қўшимча дам олиш куни эълон қилди.

МУТАФАККИРНИ ЁД ЭТИБ

Қўшкўпир тумани марказий кутубхонасига қарашли 27-тармоқ кутубхонаси 36-ҳунар-техника билим юрти билан ҳамкорликда Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг 190 йиллигига бағишлаб «Моҳир сўз санъаткори» мавзусида кеча ўтказди. Унда «Камолот» ёшлар жамғармасининг ходими Отабек Матжонов, туман хотин-қизлар кенгашининг раисаси Саломат Матниёзова иштирок этиб, мутафаккир Огаҳий, унинг ёзган шеърлари, асарлари ҳақида сўзладилар. Тадбирда тарихчи Зеваржон Худоёрова маъруза қилиб, Огаҳийнинг ҳаёти, ижоди ва фаолияти ҳақида гапирди. 27-тармоқ кутубхонаси мудири Ортиқбой Жомуродов Огаҳий китобларини шарҳлаб берди. Тадбирда «Огаҳий шоир ва мутафаккир» деган мавзуда китоб кўргазмаси ташкил этилди. Туман бадиий ҳаваскорларининг чиқишлари кечага янада жон киритди.

КИТОБХОНЛАР АНЖУМАНИ

Шаҳрисабз туман марказий кутубхонаси ўз мухлислари билан гавжум. Чунки бу ерда давр талабларига мос тадбирлар тез-тез ўтказиб турилади. Яқинда ана шундай тадбирлардан бири, яъни Абдулла Қодирий таваллудининг 105 йиллигига бағишланган китобхонлар анжумани бўлиб ўтди. Туман маданият уйи ва 12-касб-ҳунар мактаби ташаббуси билан ташкил этилган бу тадбирда ёзувчининг ҳаёти ва ижоди, адабий мероси ҳақида фикр юритилди. 12-касб-ҳунар мактаби бадиий тўгараги аъзолари томонидан ёзувчининг «Ўтган кунлар» асари асосида саҳна кўринишлари намойиш этилди.

Мухтасархон КАРИМОВА

ДАМ ОЛИШ КЕЧАСИ

Бухоро вилояти Тўқимачилик туманидаги Замондош маданият уйида «Наврўз» маҳалласи ҳамкорлигида «Бағринг бут, келажагинг нурга тўлсин» деб номланган дам олиш кечаси ташкил этилди. Тадбирда асосий эътибор маҳалла болаларининг ёзги дам олишларини мароқли ўтказишига қаратилди. Шунингдек, туман «Камолот» жамғармаси томонидан кам таъминланган оилалар фарзандлари учун совғалар берилди. Кечанинг мароқли ўтишида «Зебо» ашула ва рақс дастасининг хизмати катта бўлди.

Ф. ЖУМАЕВА



Олтин ёз гашти

Ёзги таътилда шаҳардан ташқаридаги оромгоҳларга бора олмаган кўпчилик болалар учун Тошкент шаҳар Қўшимча Таълим Мажмуи ва «Динамо» Республика жисмоний тарбия ва спорт бирлашмаси турли хил соғломлаштириш тадбирларини ўтказмоқдалар. Улар яқинда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарорига асосан шаҳарнинг Х.Олимжон маҳалласида болалар учун жисмоний тарбия ва соғломлаштириш майдончасини очдилар.

— Болалар, уларнинг ота-оналари, педагоглар ва маҳалла қўмитаси, — дейди ШҚТМ директори Г. Ҳамзаева, — майдон ташаббускорлари ва хомийларидан жуда хурсандлар. Бу ерда улар мазза қилишмоқда.

Майдончада «Динамо» ЖЧСБ»сининг М. Аббаев ва А. Саркисовлар бошчилигида техник жиҳозлаш ишлари давом этмоқда, мутахассис мураббийлари эса, спортнинг олти тури бўйича тўгаракларда машғулотлар бошлашган.

Бу ерда ҳаёт қизғин тус олган, болажонларни ҳали янада ажойиб тадбирлар, машғулотлар кутмоқда.

Азиза ҲУСАНОВА

Суратларда: Майдончадаги теннис тўгараги машғулотларидан лавҳа. 17-ўрта мактаб ўқувчилари Д. Ниёзов ва А. Жуманазаровлар ҳар куни майдончада, улар бу ерда ёзни соз ўтказмоқдалар.

Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

Ko'ngil bitiklari

МЕҲРИМ

Меҳрим — эпкин, силаб-сийпар, елпинмайсан ҳам,
Нозу-карашмалар этиб силкинмайсан ҳам.

Қомат берса тангри сенга, латофат сенга,
Қуллуқ қилиб эҳсонига севинмайсан ҳам.

Баҳор келиб муз эриса, кўнгиллар кулар,
Бағринг тутиб ишқ ўтига исинмайсан ҳам.

Ҳуснини ой булут ичра яширар гоҳ-гоҳ,
Ёмон кўзу ғайрлардин бекинмайсан ҳам.

Кўксинг қалқон, қошинг камон, кипригинг найза,
Йўлинг йўлдир, сўзинг сўздир, чекинмайсан ҳам.

Умидини узиб охир рад жавобингдан,
Юз ўгирганлар юздир, ўкинмайсан ҳам.

Токи машҳаргача Раззоқ, синалсанг, не тонг,
Наҳот буни билмайсан ҳам, тушунмайсан ҳам.

Раззоқ ИБРОҲИМ,
Ҳазорасп тумани Улуғбек номидаги 45-ўрта мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

БОЛАЛИКНИ СОҒИНИБ

Болаликнинг кўчалари кўздан ўтар,
Умр карвон тўхтамайди мангу кетар,
Юрагимга зангор соғинч тиғдай ботар,
Болалигим, сен ҳам мени соғиндингми?

Майса — гилам, ялангоёқ чопар эдим,
Кўк далада кўкка қараб ётар эдим,
Ялпизларнинг бўйларидан ўпар эдим,
Ялпизгинам, сен ҳам мени соғиндингми?

Болаликнинг кўчалари тор эмасди,
Ғам, ташвишга мурғак кўнглим зор эмасди,
Дил муродим ўкинчларга ёр эмасди.
Ай шўхлигим, сен ҳам мени соғиндингми?

Энди ўша осмон тўла кўзлар қани?
Қирда қолган ялангоёқ излар қани?
Қўл ушлашиб югуришган қизлар қани?
Синфдошим — сен ҳам мени соғингдингми?

Зору ҳайрон тентирайман «ТОШ»лар аро,
Кўзимдаги қалқиб турган ёшлар аро,
Сенга етиб боролмайман тушлар аро,
Ўзганим айт — сен ҳам мени соғингдингми?

Дилмурод ҚОСИМ

Xullas...

«КАНАДАЧА» УСУЛ

Канададаги бир қанча шаҳарларда тиланчиликка қарши қонунга риоя қилина бошланди. Маҳаллий ҳукумат раҳбарларининг таъкидлашича, кўчада қўлларини чўзиб, хайр-садақа тилаб турган гадойлар давлатни обрўсизлантиради.

Уй-жойи йўқ фуқаро Шин О.Нейлл бу қонунга қарши ҳаракат қилгани учун 50 доллар жарима тўлашга мажбур бўлди.

Виннипег, Ванкувер шаҳарларида нисбатан «юмшоқ»роқ қонун ҳукмрон. Банк, дўкон, спиртли ичимликлар шахобчаси, автобус бекатлари тиланчилик учун қатъий таъқиқланган жойлардир. Бошқа жойларда эса ғарибу ғураболар тирикчилик учун одамлардан пул сурайвериши мумкин.

Шундай қилиб, бу мамлакатда камбағалликка қарши «канадача» усул давом этмоқда.

БУРГАГА АЧЧИҚ ҚИЛИШ

Жаҳл чиқса, ақлнинг қочиши рост. Бундай кезда одам аҳмоқона ишлар қилаётганини ўйлаб ҳам кўрмайди.

Новосибирск вилоятида яшовчи В. исмли шахс хотини билан санманга бориб қолди. Бир-бирини гўрдан олиб, ғўрга тиқишди.

Бургага аччиқ қилган эр уйларининг томига бензин сепиб чиқди. Уйлаб-нетиб ўтирмасдан, гугурт чақиб юборди. Гуррилаган олов шўрликнинг эсхонасини чиқариб юборди! Эсҳушини йиғиб, бинони сақлаб қолиш ниятида сув излаб, ўзини ҳар томонга урди.

Воқеа жараёнида бечора эркакнинг у ер-бу ери куйиб, жароҳат олди. Касалхонага келтирилди. Ҳар қалай нариги дунёга кетадиган аҳволда эмас...

Бино нима бўлди дерсиз?

Сақлаб қолинди.

ПИСТОЛЕТГА ПУЛ МУКОФОТИ

Қозоннинг Челнов деган жойида бир аёл ахлатхона трубасидан пистолет топиб олди. Тунаевск туман ички ишлар бошқармасига пистолетни келтирган аёл қуруқ қайтмади. Милиция ходимлари уни пул билан рағбатлантиришди.

Қоғозга яхшилаб ўралган бу қурол 1915 йилда ишлаб чиқарилган немис «Вернефурт» пистолети экан. Афтидан, қурол эгаси ҳибсга олинишидан қўрқиб, ундан осонгина «қутулган».

ana shunaqa gaplar...

Тошкент шаҳар хотин-қизлар педагогика коллежи (собиқ Н.К.Крупская номидаги хотин-қизлар педагогика билим юрти) томонидан 1974 йилда Мирзаева Саида Мажидовна номига берилган Э-1. № 416995 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги раҳбарияти ва жамоаси Кадрлар бошқармаси бошлиғи Ҳабибулло Нўъмоновга онаси

Фотима ая ЙЎЛДОШЕВА

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Sport

СПОРТДА СОБИТ ҚАДАМ

Ёш спортчимиз Манзура Иноятова Москвада ўтказилган ўсмирлар ўйинларида дугонаси Саида Бўронова билан қатнашиб, умумий ҳисобда бронза медалини қўлга киритди. Теннисчи қизча Саудия, ЖАР, Сингапур, Токиода бўлиб ўтган мусобақаларда қатнашиб анча тажриба тўплаган эди.

ТЕННИС КОРТИ ОЧИЛДИ

Қарши шаҳрида, кейинги йилларда айниқса, спортга эътибор кучайиб бораётгани самараси сифатида, жаҳон андозаларига мос янги теннис корти фойдаланишга топширилди. 600 ўринли ўйингоҳ «Ўзбекнефтгазбурғулаш» АЖга қарашли бўлиб, барча қулайликларга эга.

САҲРОДАГИ МАРАФОН

Марокашда чидаб бўлмас иссиқ пайтда 200 км югуриш бўйича беллашув ўтказилди. 7 литрдан сув ва егулик олган 63 иштирокчи ичида қум барҳанлари узра чопиб кетаётганлар орасида аёллар ҳам бор эди. Франциялик Бернер Годен 19 соату 24 минут натижа билан ғолиб бўлди.

ЮТУҚ – 6000000 СЎМ

Sportlotto - пул-рақам лотореясининг 123-тиражи учун биринчи даражали ютуқ олти миллион сўмни ташкил этмоқда. Кўпчиликнинг оз-оздан ҳиссаси ҳисобига юртдошларимиз тақдирида кескин ўзгаришлар ясаш фақат Sportlottoга хос бўлиб қолмоқда.

СУПЕРҲУЖУМЧИ ТАЙЁРГАРЛИКДА

Украиналик суперҳужумчи Андрей Шевченко «Милан» таркибида расмий тайёргарлик машқларини бошлаб юборди. 25 миллион доллар (АҚШ)га баҳоланган бу футболчи ўзининг янги ва собиқ жамоаси истиқболига аҳамиятли таъсир кўрсатади, дея баҳоланмоқда.

maydonchasi

ХАНДАЛАР

— Рўзномада ёзишларича, бир атомчи олим ҳар куни эрталаб бадантарбия қиларкан, — деди Клаус.

— Бадантарбия дегани нима, у? — сўради Манфред.

— Билмадим, — деди Клаус. — Ахир мен атомчи олим эмасман-ку.

* * *

— Ўнг қўлим қаттиқ оғрияпти! — деди бемор.

— Бу ёшга боғлиқ, дўстим.

— Бўлмаган гап. Менинг чап қўлим ҳам худди шу ёшда, лекин унда оғриқ йўқ.

* * *

— Ойижон, сиз йўғингизда Вилли каттакон ўргимчакни ютиб юборди.

— Ё, тавба! Югур тез дўхтирни чақир!

— Хавотирланманг! Мен унга аллақачон ҳашоратларга қарши дори берганман.

* * *

Уйқучи Йорг дўконга борибди.

— Мен сизнинг дўконингиздан будильник сотиб олмоқчи эдим.

— Мархамат, — деди ёш сотувчи илтифот билан.

— Мана бу будильник сизбоп. У жиринглайди, бир стакан сув қуяди, бу ҳам ёрдам бермаса, мактаб директорига телефон қилиб, иситмангиз борлигини айтиб қўяди.

Тўпловчилар: Баҳриддин Аслонов, Дилфуза Юсупова.

Шели ЖЕКСОН

ЧАРЛЗ

(Ҳикоя)

Ўғлим Лори ўқишнинг биринчи куниданоқ мен берган кийимни хушламай, ўзи танлаб қўйган қайишли кўк жинсисини кийди. Унинг қўшни қиз билан мактабга кетаётганини кўриб,кўнглим хотиржам тортди. Ҳар куни синглиси билан қуюқ хайрлашадиган бола бугун буни хаёлига ҳам келтирмас, гўёки улғайиб қолгандай эди.

Ўғлим эшикни жаҳд билан очиб кириб келди. Бор овозида «Ким бор?» деб сўради. Дастурхон теграсида ўтирган отасига менсимай назар ташлади. Бу ҳам етмагандек синглисига солиб қўйилган сутни тўкиб юборди. Сўнгра ўқитувчисидан шикоят қилишга ўтди:

-Ўзи дарслар қандай бўлди?-сўрадим қизиқиб.

-Ёмонмас...-деди хушламайгина.

-Бирор нарса ўргандингми?-сўради дадаси ҳам.

Лори дадасига ёқтирмайгина кўз қирини ташлади, қовоғини уйиб жавоб берди:

-Ҳеч нарса ўрганмадим...

-Нима,дарс бўлмадими?

-Бўлди, фақат жанжал билан ўтди, — деди хиёл кулимсираб Лори. — Муаллимамиз бир болага шунақанги шапалоқ туширдики...

-Нима ҳунар кўрсатганди у азамат? Ким ўзи у?

Лори бир лаҳза жим бўлиб қолди,негадир юзи тундлашди.

-Чарлз,-деди сўнгра,-янги келган,қайсарликда тенги йўқ. Айтганини қилмагач муаллима уни бурчакка турғазиб қўйди.

-Нима гуноҳ қилувди?-сўрадим яна.

Лорининг юз-кўзи қизариб, ўрнидан турди, косадаги тўкилган сутни латта билан артиб, боши эгик ҳолда эшикка қараб юрди.

-Нима бўлди унга?-ҳайрон бўлди дадаси.

Орага ноқулай жимлик чўкди...

Эртасига Лори дастурхон қаршисида бизни яна оғзига қаратди.

— Чарлз бугун яна шапалоқ еди, — деди мийиғида кулиб,-бугун у ўқитувчимизга қўл кўтарди.

— Ё, тавба, — дедим ҳайратдан ёқамни ушлаб, — яна тарсаки ебди-да!

— Егандаям зўридан еди...-деб Лори бош бармоғини кўрсатди.

-Яна тўполон қилгандирда!

-Ҳа, у нимани хуш кўрса, шуни қилади,билганидан қолмайди. Муаллима расмни қизил қалам билан бўянглар деса, Чарлз бошқаси билан бўяйман деб туриб олди. Муаллимамизнинг жаҳли чиқди. Кейин иккаласи уришиб кетишди.

Лорининг маълумот беришича, Чарлз синфдош қизнинг бошини уриб ёрган, ўқитувчи уни танаффуслардa бурчакка турғазиб қўйиб жазолаган. Пайшанба куни эса тинч ўтиролмай ҳаммага халақит бергани учун дарс давомида бир оёқ-қўлини кўтариб,бурчакда турган.-Жума куни эса Чарлз бўрларни ҳар ёққа отиб йўқ қилгани учун синфдагилар доскага ёза олишмаган.

Бу каби нохуш хабарлардан Лори бизни ҳар куни хабардор қилиб турар, назаримизда Чарлз унга ҳам таъсир кўрсатаётгандай эди. Унинг Чарлз ҳақидаги ҳикояларида ерга урса кўкка сапчийдиган болани ёқлаш оҳанги сезилар, эр-хотин эса бундан андак ташвишга тушиб қолгандик.

Ҳафтанинг биринчи куни ўғлим мактабдан кеч қайтди,юз-кўзида тараддуд. Чарлз ҳақида янги гап топиб келганга ўхшайди. Балки синфдоши яхши томонга ўзгара бошлагандир. Йўқ эски ҳаммом, эски тос экан.

-Чарлзнинг бугун нима қилганини биласизми,ойижон? Бутун синфни бошига кўтариб,шунақа қўшиқ айтдики,оғзимиз ланг очилиб қолди. Ўқитувчимиз уни дарсдан чиқариб юборди. Директорнинг хонасига судраб борди. Унга нима жазо қўллашганини эртага биламиз!

-Чарлз сенга ёқадими,ўғлим?-ўсмоқчилаб сўради дадаси.

-Бўйи бўйим билан баравар,қилиқларига келсак,ҳар бир синфнинг қаҳрамони бўлиши керак-ку?

Биз бир-биримизга маъноли қараб қўйдик. Демак, Лори Чарлзга ҳавас қилади.

Душанба кунги ота-оналар йиғилишига бора олмадим. Қизчам шамоллаб қолувди аммо Чарлзнинг онаси билан танишиш истаги менга тинчлик бермасди.

Эртасига Лори яна одатдагидек Чарлз ҳақида ҳикоя қила кетди:

-Бугун мактабга ўқитувчимизнинг дўсти келди

-Чарлзнинг онасими?-сўрадим қизиқиб.

-Йўқ, — деди калака оҳангида Лори. - Келган киши янги ўқитувчи экан.

Бизга машқ қилдирди. Мана бундай,-деб Лори стулдан сакраб турди ва оёқ учида туриб ерга чўнқайди.-Чарлз машқ қилишни хаёлигаям келтиргани йўқ.

— Хоҳламагандир-да.

— Ҳа, бажаришдан бош тортди. Ўқитувчимиз ҳаммaнинг машқини кўриб баҳо қўйгач, ундан букилишни талаб қилди. Бажармагач,паст баҳо қўйди. Индамай кетаётганди, орқасидан боплаб тепди.

-Энди унга қандай жазо қўллашаркин?-қизиқиб сўради дадаси.

Лори елкасини қисди.

-Мактабдан ҳайдашса керак.

Афсуски,эртасига,индинига ҳам Чарлз янги ҳунарларини кўрсатар,ўқлим таъкидлаганидек,кун сайин мактабда отнинг қашқасидек танилиб борарди. Чўқишиб қолган партадошининг қорнига тепиб йиғлаттан Чарлз борган сари оиламизнинг доимий аъзосига айланиб бораётгандек эди. Лори синглисини ўйнаттанида,Чарлз келяпти деб қўрқитар, ғоз туриб, хоҳлаган ишини қилгиси келарди. Телефон симлари узилиб, столдаги гул ва ўйинчоқлар ерга сочилиб ётганидан ҳам билдимки, бу Лорининг иши. Эрим эса «Чарлздан қолишмайсан!» деб қўярди бепарво оҳангда.

Янги ҳафтада Чарлз ҳақида хушхабар эшитдик. Бебош бола бугун дарсда мўмин-қобил бўлиб ўтирганмиш.

-Чарлз муаллимамизга ёрдамлашди,дафтар-қаламларни йиғишди.

-Наҳотки шу гап рост,Лори?

-Тарсакию дашномлар унга таъсир қилган шекилли...-гапга аралашди дадаси.

Ўғлимиздан ойнинг охирги кунида ота-оналар мажлиси бўлишини эшитиб,-Чарлзнинг онаси билан танишиш истағи юрагимда яна бир бор жўш урди. Йиғинга кетиш олдидан дадаси эшик олдигача кузатиб чиқар экан, тайинлади:

-Мажлисдан сўнг Чарлзнинг онасини уйга таклиф этсанг! Мажлис унинг онасисиз ўтмаса керак.

-Келса,албатта...

Ота-оналар орасидан олазарак бўлиб,Чарлзнинг онасини излай бошладим. Қайси бири экан? Бола ҳақидаги шикоятлардан сўнг уни таниб оларман, дея нима бўлишини кутдим. Чарлзнинг устидан ҳеч қандай арз-дод бўлмади. Тавба, бу қандай жумбоқ?

Мажлис тугагач, Лорининг ўқитувчиси билан танишдим.Биз кабинетда бир пиёла чой устида гурунглашиб ўтирардик.

-Лори бизни анчадан буён қизиқтириб келади, -деди муаллима табассум билан.-Умуман олганда у мактабни яхши кўради, феъл-атвори эса анча мураккаб. Биз у билан аввалига келишолмадик, давом этди суҳбатдошим очиқчасига. — Лекин уни қайириб олишга муваффақ бўлдим. Албатта, ўртамизда тушунмовчиликлар бўлди.

— Ўғлим одатда катталар билан тез тил топишарди. Бу сафар менимча Чарлзнинг таъсирига тушиб қолди. ..

— Чарлз? - Ҳайрон бўлди муаллима.

— Чарлз ҳақида у ҳар куни гапирарди.

— Тушунмадим, Чарлз деганингиз ким? Бизда умуман Чарлз исмли ўқувчи йўқ! - Муаллима кифтларини учириб, лабларини бурди.

Тушунарли. Чарлз — Лорининг ўзи. Менинг тўполончигина болам. Ўз шўхликлари бизда қандай таассурот қолдиришини билмоқчи бўлган шумтакадан аввалига жаҳлим чиқди, қўлларим ғазабдан мушт бўлиб тугилди. Аммо бу ҳолатдан лаҳза ичидаёқ қутулдим.

Инглизчадан Нилуфар МУҲАММАДИЕВА таржимаси.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОЕВ, Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-55-58.

Газетани IBM компьютерида Малоҳат ТОШОВА саҳифалади. Навбатчилар: Нурлан УСМОНОВ, Алишер НАЗАРОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. ИНДЕКС: 149, 150. Г-0549. Тиражи 24.564. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти -20.00. Топширилди — 20.00.